


□ 4.9.6



Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши барча соҳалар қатори маданият ва санъатга ҳам кенг имкониятлар очиб берди. Айниқса, юртимиздаги иқтидорли, санъатсевар ёш истеъдодлар халқаро танловларда ўз маҳоратларини синаб, улкан муваффақиятларга эришадиганлари қувонарли ҳолдир. Ана шундай халқаро соврин соҳиблари — ўқувчи-талабаларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги 2006 йилдан буён “Тасанно” тақдимот маросимини ўтказиб келмоқда.

2009 йил 2 февралда Алишер Навоий номидаги Давлат Академик Катта театрида бўлиб ўтган навбатдаги “Тасанно” тақдимот маросимида 2008 йилда Миср Араб Республикаси, Қозоғистон, Татаристон, Россия, Италия, Франция, Украина, Руминия, Германия каби хорижий мамлакатларда эстрада ва академик хонандалиги, рақс, виолончел, рубоб, фортепиано, дутор, кларнет, скрипка, торли чолғулар бўйича ўтказилган халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритган юртдошларимиз, жумладан, Гран-при соҳибу соҳибалари Алибек Абдурахмонов, Улугбек Маҳмудов, Жамшид Риксиев Малика Исроилова, Нигора Нишонова, Шаҳзода Бутаева ҳамда 1-уринни эгаллаган Ойбек Имомов, Дилшод Мелибоев, Асал Сиддиқова, Анастасия Крючкова, Юлдуз Зинатова, Ким Агата, Кан Елена каби 60 га яқин ўз сони ва овозига эга бўлган ёшлар ҳукуратимиз томонидан тақдирландилар.



«ТАСАННО» ~ 2009 ТАҚДИМОТИ



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Ассалому алайкум, мухтарам ватандошлар!
Қадрли дўстлар!

Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда сиз, азизларни, бутун Ўзбекистон халқини кириб келаётган янги — 2009 йил билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдираман.

2008 йил ўз поёнига етиб бормоқда. Айтиш керакки, якунланаётган йил мамлакатимиз учун осон бўлмади. Йил давомида заҳматқаш деҳқонларимиз учун жиддий синов бўлган қаттиқ қурғоқчилик ва сув танқислигини, иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ҳамда кундалик ҳаётимиздаги турли қийинчиликларни енгиб ўтиш, бир қатор муаммоларни ҳал этиш учун катта куч ва имкониятларни сафарбар этдик.

2008 йилда вужудга келган ва тобора кучайиб бораётган жаҳон молиявий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва юмшатиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари ва аҳоли фаровонлигига хавф туғдирмаслик мақсадида ўтган давр мобайнида ўта зарур дастурларни амалга оширишга тўғри келди ва бу ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Ана шундай муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2008 йил мобайнида иқтисодиётимизни босқичма-босқич ривожлантириш ва халқимиз ҳаёт даражасини юксалтириш йўлида салмоқли натижаларга эришдик.

Бу ҳақда гапирганда, сўнгги икки йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоиздан кам бўлмаганини, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори эса ўртача 2 баробар ортганини, қишлоқ аҳолисининг даромадлари сезиларли даражада кўпайганини айтиб ўтиш кифоя, деб ўйлайман.

Бугунги кунда бозор ва дўконларимиз рас-

талари тўкин-сочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани, нарх-наво меъеридан ошмагани, янги ишлаб чиқариш қувватлари, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва модернизация қилиш ишларининг қўлами кенгайиб бораётгани, қишлоқ ва шаҳарларимиз қиёфаси ўзгариб, юртимиз, Ватанимиз тобора чирой очиб бораётгани, албатта ҳаммамизга қувонч ва ғурур бағишлаши табиийдир.

Ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, эришган марраларимизнинг асосий мезони ва омиллари ҳақида гапирганда, авваламбор, қуйидаги масалалар хусусида сўз юритишни ўринли деб биламан.

Биринчидан, бундай улкан ютуқлар шу заминда яшаётган, миллати, дини ва эътиқодидан қатъи назар, барча инсонларнинг азму-шижоати, уларнинг ўз келажагига бўлган мустаҳкам ишончи, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни сақлаш йўлида кечани кеча, кундузни кундуз демай қилган фидокорона меҳнати натижасидир.

Иккинчидан, буларнинг барчаси мамлакатимизни демократик янгилаш бўйича чуқур ўйланган ислохотлар сиёсатини изчил амалга ошириш, сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, эркин иқтисодиёт ва фуқаролик институтларини янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизнинг амалий самарасидир.

Учинчидан, бундай натижалар — мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларимизга берилаётган катта эътибор, фарзандларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга қаратилган улкан ишларимизнинг ёрқин намоёни, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. 2008 йилни



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

**Ўзбекистон Республикаси
Маданият ва спорт
ишлари вазирлиги**

Тахририят:

Бош муҳаррир

Азим СУЮН

масъул котиб

Комил ЖОНТОВ

создиралаш ва дизайн

Нигина ҚОДИРОВА

Иномжон ЎСАРОВ

набатчи муҳаррир

Шермурод СУБҲОН

Жамоатчилик кенгаши:

Ўткир ЖўРАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари

Ғолибшер ЗИЯЕВ

Ўзбекистон Миллий телерадио компанияси Раисининг биринчи ўринбосари

Сувон НАЖБИДИНОВ

«Матбуот тарқатувчи» АЖ бош директори

Абдуваҳоб НУРМАТОВ

Андижон вилояти ҳокимлиги масъул ходими

Ҳайдар НУРМУРОТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки банк тизимида методология ишларини мувофиқлаштириш департаменти директори

Абдулла ОРИПОВ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг биринчи ўринбосари

Азиз ТўРАЕВ

Тошкент Давлат Маданият институти ректори

Абдусалом УМАРОВ

Рашид Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси директори

Азамат ҲАЙДАРОВ

«Ўзбекинов» эстрада бириктирилган бош директори

Ушбу сонда:

БАХРҲЗ

*Қишлоқлар
широй оеа*

Ҳалид ЗИЁЕВ

*Жаннат монанд
тажар*

Абдунаби БОЙҚҲЗИЕВ

*Хиванинг
ташриф*

Анбар ЖўРАЕВ

*Дили-тили
бир олим*

Бурхон ШАРАФ

*Бухоро
мактублари*

Насиба ОЧИЛОВА

*Мария
Қа.ласининг
қотилили кил?*

Муқоваларимизда:

1-бет: Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов.

4-бет: Самарқанд вилояти Қўшрабат тумани «Қўёшжон» боғчаси тарбиячиси Дилором Қўлдошева.

Босилган 2009 йил 9 февралда топирилди. Офсет қоғози. Бичими: 60x84 1/8.

Ҳажми 6,0. Адади: 4623 Буюртма № 146

Тахририят манзили: Тошкент — 100000, Буюк Турон кўчаси, 41 уй. Тел: 236-56-01

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0317 — рақами гувоҳнома билан рўйхатга олинган. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси бозмахонасида чоп этилди.



“Ёшлар йили” деб эълон қилиниши ўғил-қизларимизнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, Кадрлар тайёрлаш умуммиллий дастурини ҳаётга жорий этиш, олий ўқув юртларини, янгитдан барпо этилган лицей ва коллежлар битирувчиларининг жамиятимизни янгилаш, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган том маънодаги ҳал қилувчи кучга айланиши учун мамлакатимизда янги имконият ва шароитлар туғдириб берди.

Тўртинчидан, бизнинг тараққиёт йўлида олдинга юришимизнинг асосий таянчини шунда кўриш керакки — ҳаётимизнинг ўзгариб бориши билан инсон ўзгармоқда, одамларимизнинг ўзи, уларнинг дунёқараши, ҳаётга, ўз меҳнати натижасига муносабати ўзгариб, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик туйғуси, ижтимоий ва сиёсий фаоллиги, фуқаролик онги ва масъулияти кучайиб бормоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз ватандошларимга мавжуд муаммо ва қийинчиликларни энгиб ўтиш борасида кўрсатган гайрат-шижоатингиз, мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги тараққиётини таъминлашдаги фидо-корона меҳнатингиз учун чин қалбимдан самимий ҳурмат ва миннатдорлик издор этишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Қадри дўстлар!

Мана шундай шуқуҳли дамларда, ҳеч шубҳасиз, ҳар биримиз кириб келаётган янги — 2009 йилда ҳаётимиз бугунгидан ҳам яхшироқ бўлишини, ўз қобилият ва имкониятларимизнинг янада тўлиқ рўёбга чиқишини, барча эзгу орзу-умидларимиз амалга ошишини ният қиламиз.

Бугун, 2009 йил оstonасида туриб, янги йил Ўзбекистон учун мамлакатни изчил ривожлантириш ва модернизация қилиш, бошлаган ислоҳот ва ўзгаришларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш йили, молиявий инқирозга қарши самарали дастурларни амалга ошириш, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш ва рағбатлантириш, шунингдек, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини ошириб бориш йили бўлади, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Биз 2009 йилни юртимизда “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилдик. Шу борада ўз олдимизга қўйган асосий мақсадлар — аввало қишлоқ инфратузилмасини янада ривожлантириш, янги уй-жойлар, йўл ва коммуналхизмат тармоқларини қуриш ва янгилаш, аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, одамларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, таълим тизimini мустақкамлаш, мухтасар айтганда, қишлоқларимизда турмуш ва маданият даражасини юксалтириш билан бевосита боғлиқдир.

Қишлоқ жойларда замонавий технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналар барпо этиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш асосида қишлоқ аҳолиси, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, ўрта синф вакиллари — мулкдорлар, тadbиркор ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоя қилиш гоят муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилинган 2009 йилда амалга ошириш кўзда тутилаётган зуқур ва кенг кўламли барча ўзгаришларнинг замири **қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади**, деган оддий ва ҳаммамиз учун тушунарли бўлган ҳақиқат мужассамдир, десак, ўйлайманки, халқимизнинг фикру зикрини ифода этган бўламыз.

Айнан ана шундай мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳисобидан биз пировард натижада юртимизнинг янада гўзал қиёфа касб этиши ва халқимиз фаровонлигининг юксалиши, мамлакатимизнинг озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ишончли ва мустақкам пойдевор яратишга эришамиз.

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Барчангизни бағримга босиб, кириб келаётган янги — 2009 йил билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Янги йилда барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу баракка тилайман!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборақ бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шаҳар билан қишлоқ орасидаги кескин тафовут азал-азалдан файласуфу сиёсатчилар ақл-идрокини банд қилиб келади. Тараққиётнинг туб бурилиш даврларида бу муаммо янада бўртиб кўринадики, биз бундай ҳодисага ХХ асрнинг 90-йилларида Россия қишлоқлари мисолида гувоҳ бўлганмиз. Маиший хизмат кўрсатиш даражаси пастлиги сабабли юзлаб ёш йигит-қизлар қишлоқларни тарк этиб, шаҳарларга кўчиб ўтишган. Оқибатда қишлоқлар қарийб хувилаб қолган. Ана ўша қийинчиликлар Марказий Осиёда яшовчи ёшлар ҳисобига бир қадар бартараф этилган. Хусусан, собиқ Шўро мафкураси “жилва”ларига маҳлиё бўлган юртдошларимиз “ноқоратупроқ зона”га отланишган.

— Биз борганимизда қишлоқларда аҳвол ниҳоятда аянчли эди, — деб эслайди хоразмлик талбиркор, журналист Ҳайитбой Хўжаев, — Йўллар тиззагача лой, балчиқ... Зирҳли тракторлардан фойдаланишаркан. Картошка полизларда қолиб кетаркан. Кунлаб соғил-

маганидан сигирларнинг елинлари тарсиллаб турибди. Хуллас, қишлоқ шундай афтода ҳолга тушган эдики, одамнинг таъби хира тортар эди. Биз қисқа муддатда ҳамма нарсани ўз жойига қўйдик. Йўллар асфальтланди, кўприклар қурилди. Йигитларимиз картошка қовлашу сигир соғишларни ҳам уйда қилишди. Концертлар уюштирар эдик. Бир куни машҳур эстрада юлдузи Алла Пугачовани таклиф этдик. Залга одам сигмади. Ташқарига чиқилди. Кўшни қишлоқлардан юзлаб томошабинлар етиб келишибди. Қор ёғяпти... Санъатга иштиёқи баланглигидан ҳеч ким совқотмаётгандай эди гўё. Чор-атроф қип-қизил гулларга тўлди. Айтишларича, кўп йиллар мобайнида ўша қишлоқ қизил гул кўрмаган экан.

Маълумотларга кўра, бу каби ҳодисалар Европа ва Американинг ҳам кўпгина қишлоқларида юз берган. Хуллас, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни қишлоқлар ҳаётига катта таъсир ўтказгани сир эмас.

Россия ҳудудида юз берган ўша воқелик йиллар ўтиши би-

лан Марказий Осиё минтақасида бошқачароқ тарзда тақорланиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда, қишлоқлардан шаҳарларга “юриш” яхшилик аломати эмас. Сабаби, мамлакатимиз иқтисодининг асосий қисмини деҳқончилик ташкил этади. Шаҳар бозорларини деҳқонлару чорвадорлар таъминлаб туради. Энг муҳими, аҳоли сонининг ўсиши кўпроқ қишлоқ муҳитига боғлиқ. Европа давлатлари аҳолисининг тобора қариб бориши туғилиш камайгани билан изоҳланади. Ўзбек қишлоқларида ҳар оилада етти-саккиз, ўн, ҳаттоки ўн беш фарзанд дунёга келиши ҳеч кимни ажаблантирмаган. Шаҳарларда бу ҳол кам учрайдиган ҳодисалар сирасига кирди.

Демакки, қишлоқ тараққиёти — аср муаммоси. Мамлакатимизда 2009 йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон этилиши бежизга эмас.

Жамоа хўжаликларининг тугатилиши ва фермер хўжаликлари пайдо бўлиши, хусусий мулкчиликка кенг имко-



ҚИШЛОҚЛАР

ЧАРОЙ ОЧСА...

ният очиб берилгани жамият ҳаётида фавқуллодда ҳодиса бўлди. Ўз навбатида бу ҳол кўпгина муаммоларни ҳам юзага келтирди. XX асрнинг 70-йилларида хутор системасининг тугатилиши натижасида қишлоқларнинг қадимий қиёфаси бузилганлигини ёлға оладиган бўлсак, муаммолар ҳудуди янада кенгайиб бораверади.

Болалик даврларимизда биз қишлоқларнинг бетакрор қиёфасини кўрганмиз. Қуюқ соя ташлайдиган асрий гужумлар, ойнадек тип-тиниқ ҳовузлар, ёввойи тўқайлару сервалиқ кўллар, боғу роғлар... Буларнинг барчаси ўтмишда қолди. Эндиликда қишлоққа борсак зерикамиз. Кўникканимиз кўринишларни соғинамиз.

Инсон характерининг шаклланиши бевосита табиат кўринишлари билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам дов-дарахтлару зилол сувларга бой қишлоқларда туғилиб ўсган, урф-одатлар, анъаналарга қатъий риоя қилиш асосида вояга етган одамлар бағрикенг, сасхий, оқкўнгил бўлишади. Худди шунингдек, иқлим шароити ҳам руҳиятга катта таъсир ўтказиши. Аксари шоиру ёзувчиларнинг қишлоқларда таваллуд топгани сўзимизнинг яққол далилидир. Боиси, қишлоқларда инсон ёввойи табиат билан юзма-юз келади. Она табиат бағрида яширинган сезимлар юракларга кўчиб ўтади.

“Неку — сўзининг луғавий маъноси “чиройли жой”, — дейди ёзувчи дўстимиз Баҳодир Қобул, — “Устоз шоир Абдулла Орипов Некуз қишлоғида туғилиб ўсган. Қадимий турк тилида “Неку” деганда сўлим масканларни тушунишган”.



Дарҳақиқат, шундай. Азал-азалдан қишлоқларимиз бетак-

рор табиати билан сайёҳлар диққат-эътиборини тортиб келган. Жаҳонга машҳур олималар — доктор Зигрид Клаймхел, профессор Ингеборг Балдауф мамлакатимизнинг олис қишлоқларига бориб, халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олишганидан воқифмиз. Айниқса, қишлоқ номларининг луғавий маъноси кўпчилик туркологларни қизиқтирган. Хуллас, қишлоқларимиз табиати, одамларининг характери, урф-одату анъаналари талқиқи фанда алоҳида бир салмоқли мавзу ҳисобланади.

Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиеванинг шундай байтини ўқиганмиз:

*Кўрдим қишлоқ,
гўзал шаҳарлар кўрдим —
Оҳорлари кетиб борар,
билмаслар.*

Шу байтга қиёсан айтганда, собиқ Шўро даврида амалга кўчган пахта якка-ҳокимлиги сиёсати туфайли қишлоқларимизнинг оҳори кетиб бораётган ва бу ҳолатни кўпчилик сезмаган эди. Айни замонда бу соҳага давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда. Бинобарин, жорий йилнинг “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши айни муддао бўлди. Қишлоқларда фермер хўжаликлари янада тараққий эттирилса, кичик фабрика ва заводлар қуриб ишга туширилса, ёввойи табиат тикланса, боғроғлар барпо қилинса “қишлоқ оҳори” қайтиши шубҳасиздир. Зотан, қишлоқларимиз чирой очса, жамиятимиз фаровонлиги таъминланади.



БАҲРЎЗ

Ҳусанбой АНВАЛОВ
олган фотосуратлар

АРМИЯ – ТИНЧЛИК ТАЯНЧИ

Сиёсий мустақилликнинг қўлга киритилиши мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги жуда катта ўзгаришлар учун асос бўлди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, ўз Қуроли Кучларини барпо этди. Истиқлолимизнинг биринчи кунларидан бошлаб замон талабларига жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга бўлган миллий армияни шакллантиришни ўзимизга мақсад қилиб олдик. Шу йиллар давомида юртимизда ихчам, замонавий, ҳар қандай синовларни енгиб ўтишга қодир, бутунлай янгича асосларда ташкил этилган Қуроли Кучларни яратиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Мустақил мамлакатимизнинг Қуроли Кучлари ташкил этилиши билан эса, жамиятимизда янги бир ижтимоий қатлам – ҳарбий хизматчилар табақаси шакллантирилди. Ва энди бу нарса биз учун янгича ҳодиса эди. Шу маънода, Қуроли Кучларни жамият ичидаги жамият, дейиш мумкин. Нима учун? Биринчидан, Қуроли Кучлар Ватан ҳимоясидек муқалдас вазифани бажаради; иккинчидан,

у умумдавлат ва умумжамият миқёсидаги қонунлар билан бир қаторда, фақат унинг ўзигагина хос бўлган ички қонунлар – ҳарбий низомлар доирасида фаолият олиб боради; учинчидан, бу «кичик жамият»нинг аъзолари – ҳарбий хизматчиларнинг ҳаммалари жисман, руҳан ва маънан соғлом кишилар ҳисобланадилар; тўртинчидан, армияда олдий аскардан тортиб генералгача бир вақтнинг ўзида ҳарбий фаолиятнинг ҳам субъекти, ҳам объекти бўлишади, айтмоқчиманки, унвони ва лавозимидан қатъий назар ҳар бир шахс ҳам тарбиялаб ўқитади, ҳам тарбияланиб, таълим олади. Шундай мукамал тизим жамиятнинг яна қайси табақаларида мавжуд? Бешинчидан, ҳарбийда соф назарий билимларнинг ўзи фаолият учун етарли эмас. Чунки ҳарбийлик моҳият эътибори билан амалий фаолият ҳисобланади ва бунда билимларнинг кўникма ҳамда малакаларга айланиши жуда катта рол ўйнайди.

Қуроли Кучларимизни шакллантиришнинг янги концепциясига асосан муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, ҳар томонлама



таъминланган нуфузли сержантлар мактабларининг фаолияти йўлга қўйилди ҳамда ҳарбий хизматнинг янгилаш шакли бўлган ва минглаб ёшларимиз ўз йигитлик бурчларини ўтаётган сафарбарлик қақуруви резерви хизмати ташкил этилди. Энг муҳими, халқимизнинг армияга бўлган муносабати тубдан ўзгарди, Қуроли Кучларнинг жамиятимиз ва давлатимиз ҳаётидаги ўрни мустақамланди, уларнинг молиявий таъминоти сезиларли даражада яхшиланди. Ҳарбий хизмат кун сайин обрў-эътиборли касбага айланиб бормоқда. Дунёда Ўзбекистондаги каби мударатли хизматга қақурув ва шартнома-контракт бўйича хизмат танлов асосида ўтадиган мамлакатлар кам.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуроли Кучларимиз Олий Бош Қўмондон И. Каримов ҳарбий хизматнинг нуфузини янада ошириш мақсадида олий ҳарбий ўқув юртли ва сержантлар мактабларининг ўқув-моддий базасини мустақамлаш ишларини охирига етказиш, уларни юксак маълакали, амалий тажрибага эга бўлган офицер ва ўқитувчилар билан ҳамда биринчи навбатда энг замонавий ўқув қуроллари ва янги техника билан таъминлаш; оддий аскарлар, сержант ва офицерларнинг яшаш ва хизмат шароитларини ижтимоий-маиший нуқтаи назардан тубдан қайта қўриб чиқиш ва яхшилаш, уларнинг машаққатли ҳарбий меҳнатига тўланадиган иш ҳақи миқдорини ошириш учун қўшимча манбаларни қидириб топиш; эски, номақбул казарма муҳитига батамом барҳам бериш, мударатли ва контракт хизмати, офицерлик ҳамда қўмондонлик таркиби хизматларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, ҳарбий хизматчиларнинг яшаш ва дам олишлари учун муносиб шароитларни таъминлайдиган янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш; ҳарбий хизматчилар учун янги, янада такомиллашган ва юқори қувватли овқатланиш рационини жорий этиш вазифаларини қўйди. Бу ўз навбатида армиямизнинг ёшларимиз учун мардлик ва ватанпарварлик мактаби бўлиш билан бирга, уларнинг жисмонан бақувват, маънавий етук бўлиб вояга етиши, умуман, жамиятимиз аъзоларининг соғлом бўлиши учун хизмат қиладиган зарур шарт-шароитларни яратиб бериш йўлида биринчи қадам бўлади.

Оила, маҳалла, ўқув ва меҳнат жамоалари баридан чиқиб, ҳарбий хизмат соҳасига қадам қўяётган ҳозирги ёшларимиз ҳарбий хизматга қанчалик тайёр ва уларнинг бу соҳага муносабатлари қандай? Фаолиятнинг алоҳида ўзига хос тури сифатида ҳарбий хизмат инсон шахсига нисбатан ўзгача талаблар қўяди – ҳарбий жамоалардаги ўзаро муносабатлар ва ҳарбий хизмат ўзига хос ички қонун бўлган умумҳарбий низомилар асосида ташкил этилади. Ҳарбий хизматчилар қатъий кун тартибига амал қиладилар, уларга тушадиган жисмоний ва руҳий юклама анча юқори бўлиб, бунда ўзлари туғилиб ўсган гўшаларидан узоқда эканликлари ҳам

маълум маънода ўз таъсирини кўрсатади.

Оила ва мактабда ҳарбий хизматга нисбатан муносабат ва тасаввурлар тўғри шакллантирилган укаларимиз ҳарбий техника ва қуроллари тезда ўзлаштириб оладилар ҳамда ўз ҳарбий бурчларини юксак даражада англайдилар. Улар учун Ватан мавҳум нарса бўлмасдан, уни яхлит бир ўлка – Ўзбекистон Республикаси тисолида қўрадилар ва шу юрт, шу мамлакат, шу халқ ҳимоясига ҳар доим тайёр. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳарбий ҳаёт ва ҳарбий хизмат, умуман Армия ҳақидаги илк тасаввурлар йигит-қизларимизда оиладаги ва маҳалладаги катталарнинг ҳикоялари, баҳолари ҳамда муносабатлари таъсирида, шунингдек, ўқиган китоблари ёки кўрган кинофильмлари орқали шаклланади. Агар мана шу шаклланиш жараёни маромида амалга ошмаса, бу нарса ҳарбий хизматни ўташ даврида ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Ахён-ахёнда бўлса-да, мударатли ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилаётган тартибузарликларнинг илдизи оила, мактаб ва маҳаллага бориб туташиши ҳам бежиз эмас. Оиладаги катталарнинг ёки қариндошларнинг ҳарбий фаолиятга нисбатан ижобий муносабатлари ўспиринларнинг бу соҳани танлашларида ва уни самарали олиб боришларида катта аҳамиятга эга эканлигини есдан чиқармаслик зарур. Бу нарса фақат ҳарбий соҳагагина хос бўлмасдан, ижтимоий фаолият йўналишларининг барчасига ҳам тааллуқли. Шунингдек, ўспиринлар руҳиятига максимализм-воқеликка бир ёқлама баҳо бериш хос бўлиб, улар ҳаётни оқ ва қора ранглардагина идрок этадилар ҳамда ўзгалар фель-атвори ва фаолиятларига тақдид қилиши мойил бўладилар.

Инсоннинг ўз касбий ва инсоний бурчини қанчалик англаганлик даражасига қараб, унинг фаолияти шунчалик осонлашади ёки қийинлашади. Шунинг учун ҳам биз ҳарбий хизматнинг ижтимоий аҳамияти ҳамда нуфузини ҳарбий хизматчиларга, умуман эса юртдошларимизга етказиб олишимиз жуда ҳам муҳим. Инсон ўз фаолиятининг, шу орқали ўзининг жамият учун қанчалик қадри эканлигини англаб яшаса, қандай яшай...

Хулоса қилиб айтганда, биз катталар ҳар бир оила, мактаб ва маҳаллада ёшларимизга нисбатан ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини фаол равишда олиб борсак ҳамда уларнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топишларида имкон яратсак, ўзимизнинг ёш авлод олдидаги бурчимизни бажарган бўламиз.

Чори НАСРИДИНОВ

Чирчиқ олий танкчи қўмондон-муҳандислик билим юрти, гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси бошлигининг ўринбосари, подполковник

ЖАНИАТМОҲАНО ШАҲАР



Ер юзида шаҳарларнинг сон-саногии йўқ, лекин Тошкент ўзининг ажойиб-ғаройиб табиий шароити, нозу неъматлари билан алоҳида ўрин эгаллайди. Маълумки, бир йил тўрт фаслдан иборат. Аммо кўп жойларда совуқлик ёки иссиқлик ҳукм суриб, табиат инжиқликлари қийинчилик ва азоб-укубатларни туғдиради. Тошкентда эса барча йил фаслларининг ўзгача гаши бор. Қуёш нуллари ҳамиша порлаб туради. Айниқса, суви тоза, тиниқ ва майин бўлиб, кишига ором бахш этади. Тошкент сувини бир марта ичган одам қайта кетсада яна қайтиб келади, деган нақл бежиз айтилмаган. Азалдан шаҳарда ва унинг атрофларидаги бепоён ерларда боғдорчилик ва полизчилик жуда ривожланган бўлиб, узум, олма, ўрик, шафтоли, нок, беҳи, олхўри, анор, олча,


ёнғоқ, қовун, тарвуз, сабзи, турп ва бошқа маҳсулотларнинг турли хиллари етиштирилган. Узум шу даражада бўлиқ ва ширин бўлганки, тўрт киши бир бошига бемалол тўйган. Шафтолининг ёзги, кузги, туксиз ва бошқа турлари бўлиб, ҳар донасидан бир пиёла шарбат олинган. Шунингдек, шафтолининг анжирга ўхшаган тури ҳам мавжуд. Анор ҳам сершарбат ва ширин бўлиб, донаси пиёладан катта бўлган. Бог ва кўчаларда ўрик ва шотутлар экилган. Қовуннинг шакарпора, гулоби, оқ уруғ ва бошқа хиллари жуда кўп етиштирилган.

Тошкент ўзининг гулзорлари билан ҳам донг чиқарган. Тошкент лоласи жуда машҳур бўлган. Унинг ҳар бир боши 8-12 япроқли бўлиб, улар бир-бирларига ўхшамайдиган турли ранглар билан товланиб турган.

Лоланинг ҳар бир баргида етти ва баъзида ундан ҳам ортиқ кўзни қамаштирайдиган ранглар нур сочиб турган. Лолazorда бир булоқ бўлган. У ҳавога 20 газ отилиб, ёмғир каби атрофни суғорган. Аҳолининг сайлгоҳи бўлган лолazorнинг бир томонида қизил, иккинчи тарафида сариқ лола ўсиб турган. Тошкент атрофида яйловлар, ўрмон ва тўқайлар бўлиб, унда турли-туман қушлар, ҳайвонлар яшаган. Афсуски, 130 йиллик мустамлака даврида табиатдаги табиий жараёнга, боғдорчилик ва полизчиликка қаттиқ зарба берилди.

ДЕВОР ҚУРШОВИДАГИ ҲАЁТ

Тошкент ўзининг кўп асрли тарихи мобайнида узун ва сермашаққат йўлни босиб ўтди. Зеро, Ватан мудофасини ку-



чайтириш, мустақиллик ва озодликни ҳимоя қилиш шаҳар аҳолисининг ҳамيشа диққат марказида турган. Чунки, босқинчиликлар, ҳатто атрофдаги душманларнинг тажовузлири содир бўлиб турган. Шу боис энг қадимги даврлардан бошлаб, шаҳар баланд ва баҳайбат девор билан қўршаб олинган. Айрим маълумотларга кўра, IX асрда Тошкент шаҳри уч қатор айланма девор билан ўралган. Унинг устида ҳамма вақт соқчилар навбатчилиги бўлган.

Шаҳарни девор билан ўраш кўп асрлар давом этиб, у халқ ҳаётини сақлашда муҳим ўрин эгаллаган. Девор XIX асрнинг 60 йилларида ҳам кўзга ташланиб, атрофи сув тўлдирилган зовур билан қўршалган. Унинг Бешёғоч, Сағбон, Кўқон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Кўймас сингари 12 та дарвозаси бўлган. Шубҳасиз, катта ҳажмдаги мудофа деворини қуриш ва таъмирлаб туриш учун ниҳоятда машаққатли меҳнат ва анча вақт сарфлан-

ган. Кўп асрлар мобайнида Тошкент араб ҳалифалиги, мўғуллар, қалмоқлар, чор ҳукумати ва совет давлатининг ҳужуми ва ҳукмронликларига қарши қаҳрамонона курашди. Тошкентликлар, — дейилади тарихий манбаларда — жасур, мард ва чавандоз бўлиб, табиятан жангчидир. Улар бировларга бўйин эгмайдилар ҳамда она юртни ташлаб кетмайдилар. Тошкент ички ва ташқи душманларга қарши кураш жараёнида кўплан-кўп талофатлар кўриб ҳатто, ҳалокат ёқасида турган пайтлари бўлган. Аммо улар фужиали шароитнинг асирига айланмай деҳқончилик, ҳунармандчилик, ички ва ташқи савдони ривожлантиришга астойдил ҳаракат қилганлар. Бу соҳалардаги ютуқларни кўз қорачигидек сақлаб, авлоддан авлодга ўтказиб келганлар. Натижада, фан ва маданият соҳасида қатор ютуқларга эришилди. Ҳатто санъат усталарининг хорижий мамлакатларга борганлиги ҳам маълум. Масалан, VII-VIII асрларда тошкентлик санъаткор раққосалар Хитой-

да император саройида ўйин кўрсатиб, шухрат қозонган. Бундан ҳайратланган шоирлар уларга атаб қасидалар битганлар. Тўрда ўтирган император ҳам завқ-шавқ билан томоша қилган. “Лаган ўйини” ва копток устидаги рақс ниҳоятда жозибадорлик билан ижро этилган.

Тошкент олимлар ва шоирлар Ватани ҳам ҳисобланган. Чунончи, ҳазрат Имом Қаффоли Шоший (X аср), Абу Муҳаммад Матроний (X аср), Шоши Умрий (X аср), Исҳоқ Иброҳим Аш-Шоший, Юсуф ал-Илоҳий (XI), Али Баноқий (XIII аср), Бадриддин Чочий (XIV аср), Ҳамидулло Тошкандий (XV аср), Ҳофиз Кўҳакий (XVI аср), Хўжа Аҳрор, (XV аср), Солиҳ Тошкандий (XIX аср) ва бошқалар шулар жумласидандир.


Хуллас, Тошкент икки минг йилдан ортиқ даврда иқтисодий ва маданий соҳаларда ютуқларга эришиши билан бир қаторда босқинчиларнинг қирғинбаротлари ва вайронагарчиликларини бошидан кечирган шаҳардир.




Чоризм ва совет давридаги мустамлакачилик ва миллий зулм ҳам мисли кўрилмаган фожияларни юзага келтирди. Фақат Мустақиллик йилларида шахсан Юртбошимиз Ислам Каримовнинг раҳбарлигида қадимий Тошкент гуллаб-яшнаётган Ўзбекистоннинг жаҳон андозаси даражасида ривожланган пойтахти сифатида гавдаланиб турибди.

Шаҳарлардаги марказий майдонлар ҳам киши танимас даражада ободонлаштирилди. Масалан, Тошкентдаги мустақиллик майдонидаги Сенат биноси, мустақиллик ва бахтиёр она сиймосини мужассам этган мажмуа ўзининг ҳашамати ва жозибadorлиги билан ажралиб турибди. Бу борада “Эски жува”да қурилган муҳташам бино ва равон кўчалар ҳам мақтовларга сазовордир. Шаҳардаги Олий Мажлис, Темирийлар тарихи давлат музейи, Тошкент Давлат Консерваторияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тасвирий санъат галереяси, Бизнес маркази, Банк ва бошқа шунга ўхшаш муҳташам бинолар шаҳарнинг кўрки сифатида гавдаланиб турибди. Бундай қурилиш ва ободончилик республиканинг барча шаҳарларида ҳам юксак даражада амалга оширилди. Ўтмишнинг жуда қолоқ, ободонлаштирилмаган ва кўримсиз иншоотлари деярли қолмади. Эндиликда шаҳримизда юқори техника жиҳозлари билан таъминланган ажойиб иншоотлар савлат тўкиб турибди. Тошкент жаҳондаги энг гўзал ва обод, ҳар жиҳатдан тараққиётга эришган шаҳардир. Шунинг учун ҳам у Шарқнинг юлдузи дейилиши бежиз эмас.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
профессор





НАВОЙНИНГ БУЮКЛИГИ — ЭЪТИҚОДИДА...

Профессор Суйима Ганиевани нозиктаъб навоийшунос сифатида нафақат мамлакатимизда, балки хорижий юртларда ҳам яхши танишади, тан олишади. Бу бежизга эмас, албатта. Сабаби шундаки, Суйима опа ҳазрати Навоий ижодини ниҳоятда нозик тушунади ва улуғ шоир ижодининг нафис қирраларини осон шаклда тушунтира билади.

Ўтган йили фидойи олима “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. Мазкур мукофот ўзбек навоийшунослиги фанига берилган мукофот ҳамдир.

Хўш, Ҳазрати Навоий ижоди мамлакатимизда қай тариха ўрганилмоқда? Олима билан мулоқотимиз худди шу мавзуда кечди.

— Суйима опа, аввало, юксак мукофот қутлуғ бўлсин!

— Ташаккур. Мени шод қилган нарса шу бўлдики, жуда кўп ҳамкасбларим телефон қилиб табриклашди. Узоқ-яқиндан келган самимий овозларни эшитиб, ҳаяжонландим. Ҳар бир ишда улуғ шоиримизнинг руҳи поклари қўллаб туришига чин кўнгилдан амин бўлдим.

— Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Юртбошимиз олимларга мурожаат қилиб, ҳазрати Навоий ижодини халққа тушунтириш борасида алоҳида тўхталган эдилар. “Юксак маънавият — енгилмас куч” номли китобида уша даъват мухтасар шаклда ўз ифодасини топган. Ҳозирги кунда навоийшуносларимиз қандай ишларни амалга оширмоқдалар?

— Президент Ислам Каримовнинг деярли ҳар бир китобларида маънавият, маърифат, баркамол авлод ҳақида сўз юритилар экан, Алишер Навоий, албатта, ёдга олинади. “Юксак маънавият — енгилмас куч” номли китобларида ўтмишдаги ал-

ломалар, орифлару шоирлар ҳаёти ва ижодини ўрганиш, улар қолдирган улкан меросдан халқимиз, хусусан, ёшларимизни баҳраманд қилиш масаласи илгари сурилган.

Давр тақозоси боис “Ўзбек адабиёти тарихи” қайтадан ишланмоқда. Муаллифлар мавзу кўламини янада кенгайтирмоқдалар. Жумладан, Навоий ижодидоғи аввал четлаб ўтилган қирраларга эътибор қаратмоқдаларки, бу Истиқлол шароитидандир. Навоий ғазалларининг шарҳлари ҳам мунтазам равишда журнал ва газеталарда босилиб турибди. Навоий муқаммал асарларининг 20 томлиги изоҳлар билан нашрга тайёрланмоқда. Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида — Мумтоз филология кафедрасида ёш авлодга Навоий ижодини аниқлаш борасида кўп ишлар амалга оширилмоқда. Навоийшуносларнинг янги авлодини етиштириш йўлидаги ишлар ҳам эътиборга лойиқдир. Хуллас, навоийшуносларимиз ўз имкониятлари даражасида фаолит қўрсатишмоқда. Зотан, навоийшунослик бир жойда қотиб қоладиган фан эмас — ҳар битта авлод бу улкан уммондан дуру жавоҳир топаверади.

Алишер Навоий ижодини ўргансангиз, энг аввало, матнни аниқлаш, тушунасиз. Кейин эса матндан ташқаридаги — имо-ишора қилинган фикрлар ҳаёли банд этади. Сўнг Сизни шунақа бир руҳ чулғаб оладики, буни тушунтириш, аниқлаш ҳам мушкул. Бинобарин, Навоийни муқаммал тарзда ўрганиб бўлмайди. Кейинги насларга нимадир қолаверади.

— Шоирлик туғма истеъдод билан боғлиқ бўлган ғайритабиий бир ҳофисдир. Лекин ҳар бир шоир ўз истеъдоди билан қаноатланиб қолмасдан кўп китоб ўқиши жоиз. Навоий ҳазратлари кўпроқ қайси устозлардан ўрганган?

— Навоий чиндан ҳам шоир бўлиб дунёга келган. У тенгсиз тугма истеъдод соҳиби бўлган. Шоир “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида гарчи ўзбек тили хусусиятлари, бойлиги, ўзига хос қирраларини таърифласа-да, шеър бобида ҳам тўхталиб ўтади. Етук шоирларни таърифлайди. Навоий Ҳоқоний, Анварий, Фирдавсий, Низомий, Хусрав, Саъдий, Лугфий каби кўплаб сўз заргарлари ижодларини синчиклаб ўрганиб чиққан.

Бундан ташқари Навоий ўз асарларида уч юздан зиёд шоирларни ёлға олади. Бу ҳам унинг билим доираси ғоят кенг бўлганига далилдир.

Навоий яшаган даврларда, образли йўсинда айтсак, китоб ўқиш таом тановул қилишдек, балки ундан ҳам юқори эҳтиёж ҳисобланган. Гузал байтларни дарҳол ёд олиб, айтиб юришган. Жумладан, Навоийнинг ёд олган шеърлари “Хазойин ул-маоний” ҳажмидан ҳам бир неча баробар кўп бўлган экан. Темурийларнинг дурдона асарларига бой кутубхоналари мавжуд бўлгани маълум. Бинобарин, буюк мутафаккир бобомиз тугма истеъдод билан қаноатланиб қолмасдан бир лаҳза ҳам мутолаадан тўхтамаган. Кам ухлаб, кўп вақтини бедорликда ўтказган.

Бугунги кунда баъзи навоийшуносларимиз мумтоз шеърларни ёд олишди. Масалан, академик Азиз Қаюмов ҳар бир гапини шеър билан далиллайди. Ҳатто телефонда гаплашса ҳам фикрини шеър воситасида исботлайди. Шундай ёдкаш олимларимиз бор.

— **Биламизки, ҳазрати Навоий Нақшбандия тариқатига мансуб бўлган. Шу тариқат ҳақида фикрингиз қандай?**

— Алишер Навоий 1476 йилда Абдурахмон Жомийни ўзига пир деб эътироф этади. Жомий Нақшбандия тариқатига мансуб эди. Навоий бу тариқат ҳақида дostonларида, насрий асарларида ёзади. Жомий ҳам, Навоий ҳам Хожа Аҳрорни ўзларига пир, муришид деб билганлар. Ўн бешинчи асрда тасавуф ахлоқийлаштирилгани боис шоир кўпроқ ахлоқий масалаларни қаламга олган. Бу тўғрида Н.Комилов, И.Ҳаққул каби олимларнинг китоблари, мақолаларидан истаганча маълумот олиш мумкин.

— **Умуман, ҳазрати Навоийнинг буюклигини ни мада деб биласиз?**

— Менимча, Навоийнинг буюклиги — эътиқолида. Шоир Оллоҳга ниҳоятда кучли даражада эътиқод кўйган мўътабар зот эди. Оллоҳни хаёл, ақл-фаросат билан ҳам етиб бориш қийин бўлган илоҳий куч деб ҳисоблаган:

**Топмоқ ажиб фикру тахайюл била сени,
Етмак маҳол ақлу фаросат била санга.**

**Чун коинот зубдаси ожиз кўруб ўзин,
Ҳамд айта олмас анча балоғат била санга.**

Демакки, Навоийнинг ҳайрати — тенгсиз ҳайрат. Кейинги йилларда мен Навоий ижодидаги Гул образини ўргана бошладим. Дейлик, гул сўлиди, дейилади. Гул заифлашди, касал бўлди, демаймиз. Лекин Навоий бир жойда, гул бормас-келмас дунёсига кетди, дейди. Бу ҳам ғоятда қизиқ мавзу.

— **Кўпчилики ҳазрати Навоий нега ёлғиз яшаганини қизиқтиради. Бу ҳақда фикрингиз?**

— Шарқда улуғ инсонларнинг шахсий ҳаёти доимо сир сақланган. Бу тўғрида аниқ маълумот берилмаган. Бобур Мирзо “Бобурнома”да шундай деб ёзади: “Ўғил ва қиз ва аҳлу аёл йўқ, олами тавре фард ва жарийда ўткарди”. Хуллас, Навоийнинг шахсий ҳаёти хусусида оз ёзганлар. Лекин, шеърларини ўқисангиз, аёлга муҳаббат кўйганлиги бобида тушунча ҳосил қиласиз. Навоий ягона муҳаббат тарафдори бўлган... Инсон — энг олий жонзот. Унга берилган неъмат муҳаббатдир, деган. Мен баъзан ҳозирги давр шоирларининг “Сочимдан кўп ошигим, Сен бўлмасанг бошқаси” қабилидаги сатрларини эшитиб ажабланаман. Буни сочи шунча қалин аёллар айтишадикки, беихтиёр кулгим қистайди.

— **Маънавият билан моддий бойлик бир-бирини тўлдирди, деган гап бор. Масалан, шоир одамга ҳам пул керак. Ҳазрати Навоийни бой-бадалат одам бўлган, дейишади?**

— Алишер Навоий ҳақиқатан ҳам, бой инсон бўлган. Жумладан, “Вақфия” исми асариде мол-мулки тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Шоир бир рўзгор учун керакли нарсаларни қолдириб, қолганларини муҳтожларга эҳсон қилган. Навоий бир минг битта иморат қуришни орзу қилган экан. Шулардан уч юз етмиш учтасини ўз маблагини ҳисобидан қурдирган. Афғонистонга борганимда шу иморатларнинг баъзинини ўз кўзим билан кўрганман.

— **Мана, олима сифатида мамлакатимизда, хорижий юртларда танилдингиз. Шогирдлар етиштирдингиз. Кўпчилик ёш олималар Сизга ҳавас қилишади. Ушалмаган орзуларингиз, армонларингиз ҳам борми?**

— Мен жуда кўп мамлакатларга сафар қилганман. Табаррук инсонларнинг мақбараларини зиёрат қилдим. Жумладан, Низомий Ганжавий мақбараси зиёрати ҳануз ёдимда. Лекин Алишер Навоий қабрини кўриш, зиёрат қилиш ниятим амалга ошмади. Худо хоҳласа, буюк шоиримиз мақбараси қошида тиловат қилишдек орзум ҳам амалга ошади, деб ўйлайман.

Сўхбатдошлар:
Рауф РАҲИМ,
Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

Абдухолик АБДУРАЗЗОКОВ

ҚОРХАТ

Қорхат — элчи, биламизки, элчиларга ўлим йўқдир,
Изҳори ишқ айлагали бундан бошқа йўлим йўқдир.
Ҳаёт — гўзал, дунё — асал, лекин Сиздай сўлим йўқдир,
Бахт-таваккал — қалбингизни бугун менга очарсиз ёр,
Ё қаҳрингиз қорхатимга қордай қилиб сочарсиз ёр.

Тўкинликка эгачи деб, оппоқ юзли қорни севдим,
Фариштадек оккўнгилли, бодом кўзли ёрни севдим.
Кўшиқнинг энг қайноғини, жаранглаган торни севдим,
Ўринг, ўшал кўшиқларни бирга-бирга айттайлик ёр,
Бир кунгина инсон бўлиб, табиатга қайтайлик ёр.

Сиз дейсизки, бу дунёнинг одамлари турлик-турлик,
Мен дейманки, турфа ранглар товланади сирлик-сирлик
Қор туфайли паркулардан кўнгилларга боғлаб бирлик
Қиш боғларин севги билан ифорларга тўлдирсак ёр.
Дўстлар қалбин баҳор айлаб, ғанимларни сўлдирсак ёр.

Қорқизларнинг маликаси ёнгинангда хандон юрса,
Ҳаёт бахтин, кураш шавқин ваъда айлаб жонон турса,
Қордай бўлиб аригайдир агар бизни Армон кўрса,
Ишқ аҳлининг мирзолари ҳавас билан қарашгай ёр,
Раъноларни тўйга чорлаб, базм тузса ярашгай ёр.

О маликам, бу бир орзу, орзуларсиз яшолмадим,
Бир бир хаёл, мен хаёлни шеърларимдан ташлолмадим.
Ушбу шеър ҳам шунчаки хат, оддий битик, гап омади.
Ростин айтсам, Тош шаҳрида сиздай қизни топмадим ёр,
Шунинг учун боғларида сайру сарсон чопмадим ёр.
Қорхат — элчи, биламанки, элчиларга ўлим йўқдир...

Журналистнинг январ ойи режасига асосан Ўзбекистон халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени совриндори Абдуҳошим Исмоилов билан суҳбат уюштириш кўзда тутилган эди. Суҳбат илнжида сим қоққанимизда мамнун бўлиб ҳафта давомида режалаштирилган ишлари борлиги сабабли кейинги ҳафта ўтказсак, деган тақлиф бидирдилар.

Шу тариқа баъзан Абдуҳошим ака, баъзан эса биз тахририят аъзолари ўз ишимиз билан банд бўлиб, суҳбат тақдири ҳар гал кейинга сурилаверди.

Анча вақт ўтиб такрор сим қоққанимизда шу куни Францияга ижодий сафарга жўнаётганликларини, бироқ тушдан кейин соат икки яримда халқаро аэропортнинг VIP залида учрашиб, суҳбатлашимиз мумкинлигини айтдилар.

Куйида Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов билан Франция сафари олдидан кечган суҳбат матнини Сиз журналхонлар эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

— Саволни санъаткор бўлишингизга тўртки бўлган омиллардан бошласак...

— Санъаткорлик бу бизнинг қонимизда бор. Она авлодимиз, яъни у кишининг оталари Уста Жума Расул бувам гижжак, скрипка чалганлар. Онамиз жуда яхши хиргойи қилганлар. Акам ҳам санъаткор. Бир сўз билан айтганда, санъат бу мен учун мерос...

— Сизни санъат оламига етаклаган, миллий мусиқамизга нисбатан меҳр уйғотган уста санъаткорлар устозларингиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Илк устозим айтиб ўтганимдек онам бўлади. У киши хиргойи қилишни оталаридан ўрганганлар.

ни гамдан аритиб кўз ёшларини қувонч ёшларига айлантирсан, хуллас, барчага хурсандчилик, хуш кайфият улашсан, деган ният билан кўлимга гижжак тутганман. Яъни айнан гижжак менинг дардларимни, қувончларимни, ҳис ва туйғуларимни тўла ифодадай олгани учун мен бу мусиқа турини танлаганман. Қолаверса, бувам гижжакчи бўлгани учун ҳам кўнглимга яқин ҳис қиламан...

— Гижжак мусиқа асбобининг пайдо бўлиши ҳамда миллий мусиқамиз тарихида тутган ўрни ҳақида бир икки оғиз гапириб ўтсангиз...

— Ривоятларга қараганда, гижжак бу жаннат

Франция сафари

Бироқ мени ҳақиқий санъат даргоҳига етаклаган, устозлик қилган инсон бу менинг акам Шарофиддин Исмоилов ҳисобланади.

— Шунингдек, бу борала Фаргона мусиқа билим юртида Омонулла ака, Бахриддин Отажонов, Саиджон ака, Мухторжон Каримов, Абувоҳид Мажидов менга устозлик қилишган. Қолаверса, Тошкентга келганимдан сўнг менга миллий мусиқамизга нисбатан чексиз меҳр уйғотган Фахриддин Солиқов, Маҳмуджон Муҳаммедов, Турғун Алиматов, Фуломжон Ҳожиқулов, Қаҳрамон Комилов каби устозлардан сабоқ олганман.

— Рубоб, дутор, пианино каби мусиқа асбобларини чалар экансиз. Айнан гижжак йўналишини танлашингизнинг боси не?

— Кўпгина мусиқа асбобларини чалганда парда чап қўл билан босилади. Гижжақда ҳам гарчи парда чап қўл билан босилса-да, бироқ юракка жуда яқин. Юрагимдаги нола худди шу совуқ симлар орқали инсонларнинг кўнглини бироз бўлса-да юмшатса, улар-

эшигини гижжалаб очиб, дегани экан. Шу маънода ўзбекнинг жаннатга бўлган ҳасратини, орзу-армони, бошқача айтганда, юрагининг гижжиллашини мана шу гижжак созиға уйғун деб биламан.

Гижжакнинг пайдо бўлиши тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, Ўрта Осиёда яратилган деган қараш ҳақиқатга яқин. Ҳатто Ибн Синодек таъбаът илмининг султони гижжак яратиб кўпгина хасталикларни, айниқса, юрак касалликларини даволашда ундан фойдаланган деган нақд ҳам йўқ эмас.

— Кўпгина санъат турлари қатори мусиқа санъати ҳам гарчи умумга хитоб қилса-да, бироқ яратилиши жиҳатидан муайян шахсларнинг индивидуал қобилияти, маҳоратига боғлиқ бўлади. Шу маънода, санъаткорда тўғма истезоддан ташқари яна қандай ижтимоий-маданвий факторлар муҳим рол ўйнайди, деб ўйлайсиз?

— Ўринли савол бердингиз. Санъаткорда, энг аввало, Аллоҳ Таоло томонидан ато этилган қобилият бўлиши керак. Бироқ уни рўёбга чиқариш ҳамда ри-



Олдидан

вожлантириш ҳар бир санъаткорнинг ўзига боғлиқ. Шундай инсонлар борки, улар ато этилган қобилиятдан оқилана фойдалана олмай увулига қолишади. Биров техникага, биров тиббиётга қизиқали, яна кимнингдир олимликка ёки бўлмаса санъатга қобилияти бўлади. Ҳар ким ўзидаги мавжуд қобилиятни рўёбга чиқариб, ундан унумли фойдаланиши керак. Ана шундагина у халқига хизмат қилган бўлади. Ўзидан яхши ном, яхши меърос қолдиришнинг шартин бу.

— **Ҳеч бир соҳа ёхуд йўналиш йўқки идеал бўлса... Миллий мусиқа санъатимизнинг бугунги ютуқ ва камчиликларини нималарда кўрасиз?**

Ҳар бир санъаткор ўзича ижод қилади... Бир нарсага аниқлик киритайлик. Дунёда еттига мўъжиза, инсонда еттига бугун, ҳафтада 7 та кун, камалакда 7 та ранг бўлганидек, санъатда ҳам 7 та парда бор. Ана шу парданинг соҳибини бўлиш учун санъаткор ўйлаши керак: бировнинг костюмини кийиб олиб мақтанишим керакми ёки ўзим ҳам костюм тикиб намоёйиш қилишим керакми?

Ҳозирги кўпгина санъаткорларимиз бировнинг

костюмини кийиб олиб “иш” кўришади. Озарбайжон, Россия ёки бўлмаса четдан кириб келган афгон, покистон, араб мусиқасига “суз улаб” шухрат қозонишмоқчи бўлишади. Айтмоқчиманки, санъаткор ўзи ижод қилиши керак. Бу юртдан забардаст ижодкорлар чиққан. Дунё аҳлини ром этган “Чўли ироқ”, “Сахроғбон”, “Шашмақом”, “Муножот” каби мумтоз асарлар худди шу юртда яратилган. Бах, Бетховен симфонияларига тенг келадиган, керак бўлса, улардан ҳам устун турадиган миллий симфонияларимиз бор. Мана буларни ўрганмасдан туриб, чет эл мусиқасига интилиш бу енгил елпи ҳаёт кечириб, мўмай пул топишдан бошқа нарса эмас... Ана шунинг учун ҳам бизнинг кўпгина санъаткорларимиз шухратининг умри қисқа бўлаяпти. Тагин қайтариб айтаман, санъаткор ижодкор бўлиши керак.

— **Анъанавий ва замонавий ижро услублари ўртасида қандай тафовут бор деб ўйлайсиз. Сизнингча уларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиб бўладими?**

— Йўқ. Анъанавий мусиқа бу ўзимизнинг ҳақиқий миллий мусиқамиз. Уни миллий аранжировка йўли билан замонга мослаштириб ижро этишса, нур устига аъло.

— **Ҳамма нарсада меъёр бирламчи асос ҳисобланади. Мумтоз кўшиқчилик билан замонавий кўшиқчиликка баҳо бера оладиган мутахассис сифатида бугунги ёш хонавдаларимиздаги ижрочилик санъати билан боғлиқ қандай жиҳатларни қадрлайсиз ёки аксинча... Хуллас, замонавий кўшиқчилигимиздаги мавжуд муаммолар нималардан иборат?**

— Ўзингизга маълумки, ҳеч қайси мамлакатда, ҳатто Россиядек улкан давлатда ҳам консерватория йўқ. Ўзбекистондаги консерватория Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. Гўзал қилиб қурилган ушбу илм масканда ҳамма шарт-шароитлар муҳайё. У ерда анъанавий ижрочилик йўналиши мавжуд. Мақомдан дарс бераётган домлаларимиз, укаларимиз, шогирдларимиз бор.

Мустиқилликдан кейинги даврда мумтоз кўшиқчиликни ниҳоятда мукамал эгаллаб, маромига етказиб қуйлаётган ёшларнинг кўпчилиги қувонарли ҳолдир. Улар ўз овозига, ижро услубига эга. Мумтоз ижрочилик ўрганилиб, ҳақиқий эстрада жанрига ўтилса, санъат учун замин яратилган бўлади.

— **Мухлису журналхонларга тилакларингиз.**

— Тилагим шу: Ўтган «Ёшлар йили»да кўпгина ёшларимизнинг жамиятда ўз ўрнини топишида кенг имкониятлар яратиб берилган эди. Ушбу “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да қишлоқларимиз шаҳар даражасига етсин. Юртимиз аввалгидан ҳам гўзал бўлсин. Мўл-кўлчилик бўлиб, халқимиз шоду хуррамликда яшасин.

Таомилга кўра биз ҳам ўз ўрнида таҳририят, қолаверса, журналхону мухлислар номидан Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов ва ижодий ғуруҳга олис сафар олдиан ўзбек мусиқа санъатининг довуғини, нафосат назоқатини «Етти иқлим» аро тараннум этишида куч-қувват, омад ва оқ йўл тиладик.

Суҳбатдош: Шермурод СУБҲОН

ХОЖА АБУЛМАКОРИМ КУМ БУЛАТАР?

Бобур Мирзо гоятда машаққатли, бироқ шу билан бирга ўта шарафли фаолияти давомида кўпдан-кўп одамлар билан учрашган, музокара-лар олиб борган, зарур ҳолатларда эса салтанат учун қилич яланғочлаб тўқнашган. Яхшилар билан шоҳ бўладими, гадо бўладими, оға-инидай уш муомалада бўлган, иззатини ўрнига қўйган. Буюк ватандошимизнинг машҳур “Бобурнома” автобиографик асарини ўқиган ҳар бир киши бунга яна бир бор амин бўлади. Чунончи, Бобур Мирзо билан яхши ва ёмон кунларда ҳамкор, ҳамфикр, маслаҳаттўй бўлган ана шундай шахслардан бири Хожа Абулмакорим ҳисобланади.

“Бобурнома”да Хожа Абулмакорим номи тўққиз марта Мирзога дардкаш, дилдош сифатида тилга олинади.

Бироқ деярли барча нашр (русчасида ҳам) изоҳларида бу муътабар шахснинг номи қайд этилади-ю, ким эканлиги айтилмайди. Шу боис ҳам кўпгина ўқувчилар унинг шахсияти, қисмати ҳақида етарлича маълумотга эга эмас. Хожа Абулмакорим сулоласи 400 йил давомида Самарқанд шоҳларининг Шайхулисломи мансабида фаолият юритган. Биз тилга олаётган зот ҳам худди шу муборак сулоланинг давомчиси ҳисобланади.

Тақдирни қарангки, унинг бу мансабдалик даври энг алғов-далговли, қонли кунларга тўғри келган. Аввал Самарқанд шоҳи Султон Аҳмад Мирзо (Бобур Мирзонинг амакиси), кейин унинг ўрнига ўтирган Султон Маҳмуд Мирзо бевақт вафот этиб, тахт унинг ўғиллари Бойсункур ва Султон Али Мирзо ўрталарида ўзаро талаш бўлади. Бу можарога отаси вафотидан кейин Андижон ҳокимлиги омонат ҳолга келгани сабабли

ўз мавқеини мустаҳкамлаш ниятида амакивачча шахзода Бобур Мирзо ҳам кўшилади. Унинг нияти Самарқандни ишғол этиб, аввало, Соҳибқирон бобокалони давридагидек туркий қавмларни бирлаштириш, юртнинг бир ривожига ўн ривож кўшиш, бошбошдоқликларга барҳам бериш эди.

“Бобурнома”да 1495-1496 йиллар воқеаси сифатида шуларни ўқиймиз: “Бир-икки кундин сўнг Хожа Абулмакорим ва Аҳмад Ҳожибек ва яна баъзи бек ва бекот ва сипоҳлар ва жамий шаҳр эли ҳужуми ом қилиб, Хожанинг уйидин мирзони келтуриб, Султон Али мирзони ва тархонийларни аркта қабадилар”.

Ана шундай беқарорликлар ҳукм сурган бир пайтда Бобур Мирзо кўшини билан Самарқандни эгаллайди. Худди шу даврда Хожа Абулмакорим унинг салтанатида шайхулисломлик вазифасида фаолият юритида. Бироқ, вақт ўтиб, “атроф жавонибдаги кўз тиккан яқинлари”дан бирор мадад келмагач, танқисликда қолиб, Бобур шаҳарни ташлаб чиқишга мажбур бўлади. Абулмакорим ҳам унга эргашади. Бу орада, Алишер Навоийдек буюк одам “бир қарн бўлудирким, истиқлол била аморат ва истиқрор била подшоҳга наёбат қиладурким (бунда Султон Аҳмад Мирзо кўзда тутилган бўлса керак), ҳеч киши андин бир номулоим, мужиб эътироз бўла олғай, нақл қилмайду”, деб катта эҳтиром билан таърифлаган “Аҳмад Ҳожибекни Дарвеш Муҳаммад тархоннинг қонининг тухмати била беиззатона ўлтурдилар” (Бобур Мирзо сўзлари). Ана шундай таҳликали кунларда Хожа Абулмакорим Тошкент хони Султон Маҳмудхон паноҳида юрган кўринади. Бироқ у қерда

бўлмасин, ўзи умид боғлаган Бобур Мирзони унутмаган, албатта. 1498-1499 йиллар давомида Бобур Мирзо Ҳурафа атрофларида дарбадар юрганида “Бобурнома”да ўқиймиз: “Бир кун ушбу ерда эканда хожа Абулмакоримким, бизнингдек жалойи ватан бўлур саргардон эди, мени кўра келди. Борур-турар еримиздин ва қилур-қилмас ишимиздин истиълум ва истифсор қилиб, мутаассир бўлур, бизнинг ҳолимизга риққат қилиб, фотиҳа ўқуб борди”. 1502-1503 йил воқеаларида ҳам Абулмакорим номи тилга олинади. Бобур Мирзо Тошкентдан, тоғаси Султон Маҳмудхон ҳузуридан чиқиб кетгач, Хожа Абулмакорим воқеалар саҳнасида тушиб қолади. Хўш, бу орада Хожа қерда эди? Бу саволга муаррих Абу Тоҳирхожанинг 1844-1848 йиллар орасида ёзилган, “Самария” асаридан жавоб топамиз. Асарнинг “Самарқанд шаҳрининг олий аркидан ташқарида бўлган табарук мозорлар” бобида шундай ёзув бор: “Мавлоно Абулмакорим мазори Тиллакорий жомеининг кунботар томонида, 200 олим чамаси олисроқдадир. Абулмакорим Шайбонийхон (шоҳ) Булоғ Султон ўгли замонида фикҳ илмида замонанинг биринчи олимларидан эди. Шайбонийхон у кишидан бир қийин масала тўғрисида фатво сўраганда, у жавоб ёзмади. Шунинг учун Шайбонийхон тажрибасизликдан буюриб, у кишини арра билан шаҳид эттирди”. Бундан шундай маъно келиб чиқадики, Хожа Абулмакорим бирор дўст ё нодўст воситачилигида яна Самарқандга Шайбонийхон ҳузурига бориб шайхулисломлик вазифасида ишлаган экан-да?!

“Самария” асарини 1925 йилда нашрга тайёрлаган (бу амалга ошмай қолиб кетган) адиб Садриддин Айний муаллиф Абу Тоҳирхожанинг юқоридаги сўзларига эътирозан шундай изоҳ битган: “Бу ҳикоятнинг пайдо бўлиши хусусида Абу Тоҳирхожа ривоятда бир оз хатолик бўлса керак. Зеро, Шайбонийхоннинг Самарқанд урушлари ва шайхулислом Абулмакорим билан ораларида бўлган можаролар манбаъида “фатво” масаласида ҳеч гап йўқ. Бу воқеаларни тасвирлаб ёзган “Шайбонийнома” муаллифи Муҳаммад Солиҳ Абулмакоримнинг ўлдирлиши учун фатво воқеасини ясаб каби баҳоналарга эҳтиёж тушмай тургон таъбирот ва сўзлар унинг (Абулмакоримнинг – Ф.К.) ҳақида қулайдир. “Шайбонийнома” ривоятчи, Шайбонийхон Самарқандни биринчи марта олиб, Султон Али ва унинг яқин кишиларини ўлдирганда, Абулмакорим авф этилган. Лекин, Абулмакорим яна “хиёнат” қилиб, Бобур Мирзони Самарқандга чақирган. Ўз ҳимояти ва таш-

виқоти билан Самарқанд шаҳрини Шайбонийга қарши олти ой қамалда сақлаган. Мана шундай сиёсий жиноят қилган бир одамни ўлдириб учун Шайбонийдек жаҳонгирлик савдосига тушган бир чингиз авлоди баҳоналар ахтариб юрмаса керак”. Лекин бизнингча, Шайбонийхон Бобурни ўртага солишдан кўра бошқа бир баҳонаи сабаб излаган кўринади. Чунки, ўзининг йил сайин эмас, ой, кун сайин қартайиб бораётганини билар, шунингдек, авлодаждоли подшоҳлар бўлиб келган, ғалаба ва мағлубиятлардан сабоқ чиқараётган навқирон шаҳзоданинг бир кун келиб юксалиши ҳамда ўзига ҳамла қилиши мумкинлигини мулоҳаза қилиб кўрган бўлса керак. Бу орада Хожа Абулмакоримнинг шайхулисломлик мансабига талабгор бўлиб юрган кўплаб ғаразғўй манфурлар хон олдига фатво масаласини рўқач қилган бўлишлари мумкин.

Хуллас, шаҳар ҳокими Аҳмад Хожибек сингари ҳақғўй, адолатпеша шайхулислом Абулмакорим ҳам (1503 йилда бўлса керак), “беиззатона” шаҳид этилади. Бу мудҳиш ҳодисадан Бобур Мирзо ҳам тез орада хабардор бўлгани шубҳасиз. Хўш, ундай бўлса, нега ўз асарида бу ҳақда сўз юритмайди? Нўён Кўкалдош каби изтироби, қайғусини издор қилмайди? Сабаби, бу хунрезлик юз берганида Бобур Мирзо “Ўз қатиғ ҳолимга ўлмастун бурун мотам тутағи” (Навоий сатри) дейдиган ҳамда “Борурга не маъмане, кўнурга не маскан” бир ҳолда эди.

“Бобурнома”га ишланган расмлар орасида ёш Бобур Мирзонинг биринчи марта Самарқандни ишғол қилиб, ҳукм сураётганида қаттиқ бетоблангани тасвири ҳам бор. Бизнинг тахминимизча, беморнинг оёқ томонида чуқур қайғуда ўтирган икки мўйсафиднинг бири шайхулислом Абулмакорим бўлса керак. Чунки бу вақтда Бобур Мирзонинг туғишқанлари, энг яқин кишилари ҳали Андижонда эди. Ота юртда таҳликали ҳолат юзага келгани туфайли онаси, отахони Хожа Мавлоноий қози ҳазратлари Мирзонинг зудлик билан қайтишини илтижо қилиб мактублар йўлламоқда эдилар.

Қисқаси, “Бобурнома”да кўп бора ҳурмат билан номи тилга олинган, ёш шаҳзодага оғир кунларда ҳаммаслақ, шунингдек, тасали берувчи отахон мақомида бўлган Хожа Абулмакоримнинг ҳаёт йўли ҳамда тўрт юз йил давомида пок номларига зарра доғ туширмай келган шайхулисломлар сулоласининг фаолияти ана шундай янгли яқун топди.

Ғиёс КОМИЛОВ

ЯНГИЧА ТАЛҚИН ЖОЗИҒАСИ

Нарзулла Жўраев

ТАРИХ
ФАЛСАҒАСИНИНГ
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ



Сиёсий фанлар доктори, профессор Нарзулла Жўраевнинг номи китобхонларга яхши таниш. Унинг “Юксалиш”, “Агар огоҳ сен”, “Тарих фалсафаси”, “Тафаккурдаги эвришиш” каби китоблари ўз ўқувчиларига ҳақли равишда эга.

Яқинда “Маънавият” нашриёти Н.Жўраевнинг “Тарих фалсафасининг назарий асослари” деб номланган монографиясини нашрдан чиқарди. Китобга сўзбоши ёзган олимлар айтганидек, бу китоб “Инсоният, миллат тарихидек маҳобатли муаммо ва долғали XX аср пўртаналарининг фалсафий, сиёсий таҳлилига бағишланган”.

Бизнингча, бу китоб Ўзбекистон тарихида янги йўналиш очувчи фундаментал тадқиқотдир. Зотан, ҳозиргача тарихни фалсафий тушуниш муаммоси айни шу китоблагичалик ўрганилмаган ва тизимли равишда тадқиқ этилмаган. Муаллиф ёзганидек, янгилинишлар даври ва бутун ҳаёт биздан тарихга муносабатни жиддий равишда ўзгартиришни талаб этмоқда. Бу бевосита тарихимизни қайтадан ўрганишимизни, унинг бутун ютуқлари-ю фожиалари билан яхлитлигича тадқиқ этишни талаб қилмоқда. Бунинг учун биз энг аввало, тарихга шунчаки баёнчилик муносабатидан халос бўлиб, уни ўзлигимизга, шахсимизга дахлдор бўлган маъво, бутун инсоний қадриятимизни ўзида мужассам этган муқаддас хотирот даражасидаги тафаккур мезонига айлантirmoғимиз

лозим. Тарихий хотирани тиклаш, уни қадрият даражасига кўтариш йўлларини изламоғимиз керак. Дарҳақиқат, муаллиф ҳақли равишда таъкидлаганидек: “Тарихий тафаккур, тарих фалсафаси бизнинг кўп минг йиллик ўтмишимизни яхлитлигича идрок этишимизга, унинг бутун моҳиятини англаб этишимизга ва ҳолисона баҳолашимизга ёрдам беради”.

Н.Жўраевнинг тарих фани предметида доир янги фикрларни ўртага ташлагани тарихшуносликда янги-ча йўналиш очилишига туртки беради. Маълумки, тарих фанининг предмети билан тарихий билим назариясидаги энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Унинг ечимини тўғри, илмий асосланган, назарий жиҳатдан пишиқ-пухта, ҳаётий ва амалий жиҳатдан асосли бўлган ҳолатда яратиш бевосита фан тараққиётини белгилайди. Муаллиф барча мавжуд алабиётлар таҳлили асосида тарих тушунчаси тўғрисида 30 га яқин ёндошув ва тадқиқ этиш усулларини аниқлаб, ҳар бирининг назарий ечимини топади ва аниқ-лўнда таъриф беради. Жумладан:

— Тарих оммавий ҳаёт қонуниятларининг конкрет шаклларини ўрганишни предмет ҳисоблайди;

— Тарих одамлар фаолияти, шунингдек, ушбу фаолият билан боғлиқ бўлган конкрет оммавий тараққиёт қонуниятларини талдиқ қилади;

— Тарих — бу тарихчи гояларининг специфик олами;

— Тарих амалда атом, кимёвий воситалар сингари ўзини намоён этолмайди. Ушбу воситалар табиатда мавжуд. Улар инсон йўқ қилгунча қадар мавжуд бўлади. Тарих эса табиатда яшамайди. Балки инсон та-саввурда, хотирасида яшайди.

— Тарих буюм ёки бойлик ҳам эмас. Шунингдек, ҳаёт учун, яшаш учун курашмайди. У ўзини ҳимоя қилолмайди, амалий фаолият кўрсата олмайди. Буларнинг ҳаммаси эса инсонда мужассам. Демак, ўз-ўзидан кўриниб турибдики, қарашлар турлича, ёндошувлар хилма-хил. Бироқ барчасининг моҳиятида инсон, унинг ўтмиши, бугуни ва истиқбол иётади. Тарихнинг муаллифи, яратувчиси, иштирокчиси инсон ва фақат инсон деган гоя илгари сурилади. Бинобарин, “тарих фанининг предмети инсоншунослик, инсон олами ва қарашлари, манфаатлар тўқнашувидаги феъл-атворининг тадқиқотидир”.

Муаллиф тарихий алабиётлардаги енгил-елпи, тез пишар хулоса ва фикрларга қарама-қарши ўлароқ далил тарзда тарих фани предмети нималигига оид ўз фикрини шундай ифодалайди: “Демак, тарих фани кишилик жамиятининг ўтмишини ўрганадиган экан, у том маънода инсоншуносликдир. Ана шу хулосадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тарих фанининг предмети инсондир. Муаллифнинг тарих фалсафаси, тушунчаси, моҳияти ҳусусидаги фикрлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Унинг фикрича, “ўтмишни баҳолашнинг энг тўғри ва ҳолисона йўли унга ҳаёт ҳақиқати, инсон ва жамият ўртасидаги боғлиқлик, уйғунлик, кишилик ҳаётининг узлуксиз тараққиёти замирида ётган муносабатлар, қарама-қаршиликлар ва манфаатлар орқали баҳо беришдир. Зотан ҳаёт ҳақиқати, унинг қонуниятлари барча илмий гоялару назариялардан кўра устуворроқ, кенг-роқ ва чуқурроқдир”.

Муаллиф тарихий жараённи ўрганишнинг ҳозиргача бизда қўлланилмаган, аниқроғи, тоталиган илмий тамойиллардан ҳоли бўлган, яъни тарихни яхлитлигича — бутун ютуқлари-ю нуқсонлари билан яхлит ҳолда ўрганиш концепциясини илгари суради. Бу эса жаҳон тажрибаларида кенг қўлланилаётган усул — тарихни сиёсатшунослик, соци-

ология, фалсафа, мантқ ва психология фанларнинг синтези сифатида тадқиқ этиш билан боғлиқ, Н.Жўраев ана шундай хулосалари орқали тарихчи ва файласуфлар диққатига ўз концепциясини ҳавола этади. У жамиятни маънавий ислоҳ этишда тарихни англаш орқали ўтмишдан сабоқ чиқариш ва аждодлар тажрибасига таяниш лозим, дейди ва куйидаги хулосаларга келади:

1. Тарихни англаш орқали ҳаётни англаш, инсоннинг инсонлигини англаш туйғуси шаклланади.

2. Тарихий тафаккур ва тарих фалсафаси орқали бугунги ҳаёт мазмуни чуқурроқ тушунилади ва келажак фалсафаси дунёга келади. Бу ҳар бир инсоннинг ўзига хос тафаккур тарзини шакллантириш орқали шахс сифатидаги феноменини вужудга келтиришга, феъл-атворининг шаклланишига хизмат қилади.

3. Тарихни ўрганиш орқали мустамлакачилик таъсирида ва коммунистик зўравонлик мафкураси натижасида ўзлигини йўқотган, ўз қадру қимматини буткул унутган фуқарони уйғонишга, ўзлигини англашга, ўз ҳақ-хуқуқини ҳимоя қила оладиган баркамол шахс сифатида шаклланишга даъват этади.

4. Аждодлари буюк бўлган, жаҳон цивилизацияси ва инсоният тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган маданиятга дахлдор фуқаронинг қалбида ўтмишини ўрганиши орқали миллий гурурининг уйғониши мамлакат мустақил тараққиёт йўлини танилаган бир пайтда катта маънавий қудрат ва улкан ирода кучи бўлиб хизмат қилади.

5. Ҳар бир фуқарони маънавий-руҳий ва ахлоқий жиҳатдан янгилаш орқали жамиятни модернизациялаш, турмуш тарзини янгилаш каби ғоятда чуқур, кенг миқёсли ислоҳот амалга оширилади. Бу бугунги ислоҳотлар даврида амалга ошириладиган кўп қиррали ўзгаришларнинг асосий омили сифатида қадриятга айланади. Зотан, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотлар бевосита инсон онги, тафаккури ва қалби орқали ўтказилган тақдирдагина унинг қадри ошадди, самараси кўпаяди.

Н.Жўраевнинг яна бир фикри ҳам диққатга сазовор: “Тарихга муносабатда, уни ўрганаётган бутун тарихий жараён менинг ҳаётим, бутун кишилик ўтмиши менинг ўтмишим, деган фикр билан яшаш ло-

зим. Тарихий тақдир, бутун кишилик ўтмиши менинг тақдиримга, менинг ҳаётимга, менинг ўтмишимга, кечинмаларим ва орзу-умидларимга айланиши керак. Ўша боқий жараённинг, буюк ва сарҳадсиз шажаранинг давомчиси сифатида бутун тарих менинг қонимда, жонимда ва руҳимда ва ҳужайраларимда яшаётганини англашим, ҳис қилишим лозим. Ана шунда мен икки минг ё уч минг йил олдин яшаган одамлар ҳаётини ўрганаёلمан, бу менга беғона давр, тарих ҳолос, деган хулосага келинмайди”.

Н.Жўраев биринчи марта тарихни фалсафий тушуниш мактабларини алоҳида тадқиқот объектига айлантиради. Шарқ тарих фалсафаси ва Гарбона қарашларни анча чуқур тадқиқ этади. Ҳар икки мактаб асосларини жуда чуқур илмий ҳолислик ва назарий хулосалар билан очиб беради. Натижада, италиялик машҳур олимнинг “Нур — Шарқданлир” деган иборасининг бутун моҳиятини беозор, айна пайтда куйинчақлик билан исботлаб беради.

Н.Жўраевнинг узоқ изланишлар ва чуқур таҳлил асосида билдирган фикрлари ҳеч бир тарихчини беварқ қолдирмайди, албатта. “Янгиланишлар даври ва бутун ҳаёт биздан тарихга муносабатни жиддий равишда ўзгартиришни тақозо этмоқда. Бу бевосита тарихимизни қайтадан ўрганишимизни, унинг бутун ютуқлари-ю фожиялири билан яхлитлигича тадқиқ этишни талаб қилмоқда” дейди. Муаллифнинг фикрича, тарихий тафаккур, тарих фалсафаси бизнинг кўп минг йиллик ўтмишимизни яхлитлигича идрок этишимизга, унинг бутун моҳиятини англаб етишимизга ва ҳолисона баҳолашимизга ёрдам беради. Шу жиҳатдан биз ўтмишга ёндошувнинг тафаккур ва фалсафа орқали баҳолаш йўлидан ўтмоғимиз лозим.

Барчага маълумки, ўзбек халқи тарихи, унинг кечмиши бевосита тарих фалсафаси ва тарихий тафаккур орқали бутун одамларни уйғотмоқда, улар диққатини ўзига тортмоқда. Замондошларимиз онги, қалби орқали бутун ўтмиш ўз ютуқлари ва нуқсонлари билан яхлит ҳолда жонланмоқда. Шу асосда халқимизнинг маънавий қудратига, руҳий таянчига айланмоқда, олис истиқболни белгилашда ўта муҳим омил сифатида хизмат қилмоқда.

Биз Ватанимиз тарихи ва халқи-

миз ўтмишини ўрганиш орқали бугунги кун учун масъуллик туйғусини шакллантирамиз. Тараққиётнинг янги даври оstonасида турганимизни ва халқимизнинг буюк келажига асос солишга масъул эканлигимизни, дахлдорлигимизни тушуна бошлаймиз. Яна бир ҳақиқат бор: ўтмиш уни англагангагина хизмат қилишини, келажак эса унинг ҳақиқий бунёдкоригагина тегишли эканлигини англамоғимиз керак. Худди шу ҳақиқатни англаш учун тарихий тафаккур, тарихий хотира зарур, деб ўйлаймиз. Тарихнинг ҳақиқий фалсафаси, унинг ақл-заковатимиз ва онгу шууримизга таъсири худди ана шу гоё билан белгиланади.

Муаллиф тарих фани ва тарихшунослигимиздаги айрим ҳолатларни ҳолис тадқиқ этади. Унинг фикрича, бизда ҳамон шошма-шошарлик, масалага юзак ёндошиш, ҳар томонлама пухта ўрганмасдан хулосалар чиқариш иллатлари мавжуд ва бу иллатлар бизни тарк этгани йўқ. Илмда мувозанат бўлмоғи керак. Мувозанат ҳолислик белгисидир.

Муаллиф Н.Жўраев илгари сурган ёндошувларга қўшилган ҳолда биз шуни ҳам яхши тушунамизки, бир елкамизда тарихга ҳолислик, илмий ҳақиқат билан қараш юки, иккинчи елкамизда эса Ватан ва Миллат олдидаги жавобгарлик, ўтмишимизни асраш, аждодлар руҳини эъзозлаш ва келгуси авлод олдидаги қарздорлик юки борлигини бутун вужудимиз билан англамоғимиз керак.

Н.Жўраевнинг тадқиқоти нафақат тарихчилар, балки ҳуқуқшунослар, социологлар, файласуфлар ҳамда сиёсатшунослар учун ҳам етарли ўйналиш беради. Шарқ ва Гарб тарих фалсафаси, тарих фалсафасининг қонуниятлари ва асосий тамойиллари, тарихий жараёнда давлатнинг ўрни ва роли ҳуесиндаги фикр-мулоҳазалар ва олдига сурилган илмий-назарий гоёлар барча ижтимоий фанлар соҳиблари учун ўйлашга, фикрлашга катта туртки беради.

Ҳамдам СОДИҚОВ,

Тарих фанлари доктори,
профессор

Ҳафиза ТҮЙЧИЕВА,

Тошкент Темир йўл муҳандислари институти ассистенти



ҚЎҒИРЧОҚ БОЗЛИК

САНЪАТИ БАЙРАМИ

Ўзбек халқи қадим-қадимдан болажон халқдир. Ўзи емай боласига едириши, ўзи киймай боласини кийинтириши одатий ҳол. Иккинчи жаҳон урушининг қақатчилиқ йилларида ҳам ўзбек хонадонлари юзлаб ота-онасиз, оч-яланғоч қолган етимларни иссиқ бағрига олган. Боланинг бегонаси бўлмайди. Бизда “ҳамма яхши нарсалар болаларга” деган ибратли ақида бор.

Ўша энг яхши нарсалардан бири болаларнинг сеvimли ўйинчоғи, жажжи қизалоқларнинг қўғирчоғи эканлигини яхши биламиз. Бола тарбиясида: меҳрли, одобли, сахий ҳамда катталарни ҳурмат қиладиган бўлиб ўсишларида улар ўйнайдиган ўйинчоқлар катта аҳамият касб этади. Энг муҳими шундаки, қўғирчоқлар фақат кичикинтойларнинг эмас, балки катталарнинг ҳам эътиборини тортди. Фикрлашга, ўйлашга, изланишга қорлайди.

Шу маънода 2008 йилнинг 27 сентябр куни пойтахтимиздаги Ғафур Ғулом номили маданият ва истироҳат боғи қўғирчоқлар оламининг ўзаро учрашадиган катта тўйхонасига айланиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш

ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маланий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ташаббуси билан Тошкент шаҳридаги Ғафур Ғулом номили маданият ва истироҳат боғида “Қўғирчоқбозлик санъати байрами” ўтказилди.

Қўғирчоқбозлик санъати байрамида Абдуманноп Тешабоев раҳбарлигидаги “Наво” ва Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошида фаолият олиб бораётган Бахтиёр Раҳимов бошчилигидаги миллий карнай-сурнайчилар гурӯҳи ўзбек миллий куйларидан чалиб, болаларни боққа қорладилар. Боғ эса ҳар кунгидан ҳам гавжум ва файзли, озода, салқин, турли хил ўйинчоқлар билан болаларни ўзига тортади.

Тошкентдаги “Пиноккио” номили ўйинчоқлар дўкони байрам куни боғда савдо ярмаркасини ташкил этди. “Пиноккио” ўйинчоқлар дунёси эса болаларнинг энг сеvimли жойлари ҳисобланади. Эртақлардаги асалхўр Айиқполвон, ёқимтой қиз Золушка, ўзбошимча Тўти, ёнгоқлар йиғувчи Олмахон, айёр Тулки, келинчак либосидаги Лолахон, қайсар қиз Алиса,

Бўғирсоқ каби ўйинчоқлар болаларнинг жону дили. Бир томонда эса бахмаллар билан безатилган от аравада эртақ қаҳрамонларининг жонли қиёфалари билан болалар боғ саҳнида сайр этиб юрдилар.

Карнай-сурнай наволарига Марфуша, Качал полвон, Чодир Жамол каби қаҳрамонлар қиёфасига кирган қўғирчоқбозлар ҳазил ўйинларга тушиб болаларга кувонч улашдилар.

“Қўғирчоқбозлик санъати байрами”ни таниқди театршунос олим, санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳсин Қодиров қисқа сўз билан очиб вилоятлардан ташриф буюрган қўғирчоқ театрлари жамоалари ишига омадлар тилади.

— Ўзбек қўғирчоқ театри санъати жуда узоқ тарихга эга. Қўғирчоқ алломалар бу санъат турининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб, унинг тамал тошини қўйганлар, — деди у ўз сўзида. — Қўғирчоқ театри саҳнасида фақат эртақларни эмас, балки юксак мазмуни турли бадиий асарларни ҳам намойиш этиш мумкин. Қўғирчоқ театри бир пайтлар биттагина эди. Ҳозир эса Республикамызда 10 та давлат қўғирчоқ театри ишлаб турибди. Шулар қаторида юзга яқин хаваскорлик қўғирчоқ театрлари

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият олиб бормоқда.

Мазкур кўғирчоқбозлик байрамини ўтказишдан кўзилган асосий мақсад, аҳолининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш, миллий қадриятларимиз бўлган анъаналаримизни тиклаш, ёшларнинг қадимий кўғирчоқбозлик санъатига бўлган қизиқишларини кучайтириш, халқро ва республика миқёсида ўтказилган фестиваллар ҳамда кўрик-танловларда ғолиб бўлган бадий ҳаваскорлик халқ кўғирчоқ театрлари ижодини кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Боғда ташкил этилган кўқонлик кўғирчоқ устаси Шоҳсанам Худойбердиева ва хоразмлик кўғирчоқбоз Мансур Курязовларнинг ижодий ишлари асосидаги кўғирчоқлар кўрғазмаси ҳам болаларга, ҳам катталарга бирдек манзур бўлди. Республика болалар ижодиёти маркази қошидаги тасвирий санъат студияси қатнашчилари бўлган ёш расмолар кўғирчоқ спектаклларидаги эртак қаҳрамонларнинг қиёфаларини, шунингдек, табиатнинг ранг-баранг манзаралари, ям-яшил ўтлоқлар, кўм-кўк сувлар оқиб турган сойлар, турфа гуллар очилган воҳалар каби эртак китобларидан олган таассуротлари асосида чиroyли манзарали суратлар чиздилар. Уларга ва ногирон спортчи ўсмир болаларга “Ўзбекнефтегаз” холдинг компанияси ва Халқаро “ЭКОСАН” жамғармаси томонидан тайёрланган байрам совғаларини Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бармат Дурдиев топширди.

“Кўғирчоқбозлик санъати байрами”да “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарма бошлиғи, театршу-

нос Эсонбой Ўринов, Ўзбекистон Санъат институти кўғирчоқ театри актёрлиги факультетининг кафедра мудири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шомурод Юсупов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, доцент Марям Ашурова ва Республика Давлат кўғирчоқ театри бош режиссёри Фатхулла Хўжаевлар иштирок этиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Республика Давлат кўғирчоқ театри “Ғозча” номли спектакль билан байрам намойишини бошладилар. Маълумки, бу кўғирчоқ театри узоқ йиллардан бери болаларнинг катта дўстига айланган бўлиб, ўзига хос услуб ва ижод йўлига эга. Болалар кўнглини очадиган спектакллар билан довруқ ва эътибор топиб келаятган жамоалардан бири. “Ғозча” спектакли бошланиши билан болалар эртаклар оламига шўнғиб кетгандек, унинг қаҳрамонлари билан бирга юргандек эдилар. Айёр тулки кўринганда Ғозга ёрдам беришга ошиқишар, Тулки қувилганда хурсанд бўлишар эди. Бундай спектакллар болалар кўнглида яхшилик қилишга, дўстларга садоқатли бўлишга, қизганчиқ, хасис бўлмай, сахий, мард ва одобли бўлиб ўсиш туйғуларини уйғотади. Спектаклнинг тарбиявий аҳамияти ҳам шунда.

“Кўғирчоқбозлик санъати байрами”да Халқро ва республика миқёсида ўтказилган фестиваллар ва кўрик-танловлар ғолиблари бўлган Республика Давлат кўғирчоқ театри, Андижон вилояти Асака туманидан Муҳаммаджон Шоназаров раҳбарлигидаги “Қалдирғоч”, Наманган вилояти Норин туман маданият уйи қошидаги Ғафуржон Мирзаев раҳбарлигидаги “Хўрозча”, Бухоро вилояти Фижудов туман маданият уйи қошидаги Насрулло Ҳамроев раҳбарлигидаги “Чодирхаёл”, Самарқанд вилояти Оқдарё ту-

ман маданият уйи қошидаги “Камалак”, Хоразм вилояти Хонқа туман маданият уйи қошидаги Мансур Курязов раҳбарлигидаги “Жайхун кўғирчоқлари”, Тошкент шаҳридан Сирғали туман маданият уйи қошидаги “Карвон”, Ғафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи қошида фаолият кўрсатётган Рустам Содиқов раҳбарлигидаги “Шум бола” кўғирчоқ театри ўзларининг ўзбек ва жаҳон халқ эртаклари асосида болалар учун саҳналаштирилган асарларини намойиш этдилар.

Байрам сўнгида “Кўғирчоқ театри ва давр” мавзуйда театршунос олимлар, мутахассислар, ҳаваскор кўғирчоқ театрлари бадий раҳбарлари ва талабаёшлар иштирокида давра суҳбати бўлди.



Байрам якунида ўзларининг юқори бадий савиядаги саҳна асарларини намойиш этганлари ва фаол иштирок этганликлари учун бадий ҳаваскорлик кўғирчоқ театрлари жамоаларига талбир тасвирчиларининг факрий ёрлиқлари топширилди.

Республикада “Кўғирчоқбозлик санъати байрами” Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази ташаббуси билан биринчи марта ўтказилди. Болаларнинг қувончи, боғ бағрида ўйнаб-қулиб, яйраб дам олишлари, намойиш этилган кўғирчоқ спектаклларини мириқиб томоша қилганлари шунини кўрсатдики, бундай хайрли, болаларнинг сеvimли байрамларини мунтазам равишда ҳар йили ўтказиб туриш лозим. Вилоятлардан байрамда қатнашган кўғирчоқ театрларининг раҳбарлари ҳам узорто бир-бирлари билан мулоқотда бўлиб, фикр алмашдилар, ижодий тажрибаларини ўртоқлашдилар. Эртанги кун фаолиятлари учун самарали режалар туздилар.

Муҳаббат ТУРОБОВА,
Муҳаммаджон ҚОЗОҚБОВ



ХИВАНИНГ ТАШРИФИ



— Юринг, деди бир кун шоир дўстим, мен сизни Хивага олиб борай.

— Яхши бўларди-ю, лекин ҳозир вақт масаласида қўлимиз бироз юпқароқ-да... Қани энди, Бухоро, Хоразм, Хива, Кўҳна Урганч томонларга борсак, боролсак, — дея чайналаман.

— Хивани кўриш учун Хивага бориш шарт эмас, — деди шоир оҳистагина. — Унинг ўзи шу ерга келган.

Ажаб, ҳазрати Хиванинг ўзлари минг чақирим йўл босиб, Тошкентга келиб турса-ю, истиқболига чиқмаймизми-я!..

— Қаерга кўнибдилар? — дея сўрайман шоирнинг ҳазилига ҳазил билан.

— Ана, шундай йўлнинг у бетиди. Марказий кўрғазмалар залида.

Шоир дўстимиз билан биргаликда дийдорга ошиқамиз. Қани энди, орадаги юз-юз эллик қадамгина йўл унақолса. Таниш-билишлар суҳбатига чап бериб, кўҳна Хевоқ қўним топган қошона остонасига қопиндик. Бино саҳнидаги сарлавҳа бизга:

Тўра Курёзовнинг “Тарих саҳифалари” — 70 йиллик юбилей кўрғазмаси эканлигини изҳор қилади.

— Хоразмни, айниқса, Хивани ҳали ҳеч ким Тўра акадай қуйлаб билган эмас, — дея пешвоз чиқади рассомнинг эски муҳлисларидан бири, ҳарбий журналист Азимбек Усмон биз билан омонлашаркан.

Ҳа, Азимбек топиб айтди.

Тўра оқсоқол мўйқалам билан ёлғиз қолганда, зинҳор “объект расмини чизаман” дея иш бошламагани аниқ, У ҳар доим “воқеликни қуйлайман”, дея ният қилгани шубҳасиз. Бунга биз кўрғазманинг шундоқ зинасидан чиқиш жойига илинган “Уста” номли картинасини кўргандаёқ амин бўлиб турган эдик.

Тасаввур қилинг, қадимий шарқона шаҳар. Обидалардан бирининг томи. Кулол бирталай, ҳали хом

асарлари ўртасида ўтирибди. Лаганга расм солмоқда. Кўзлари кенг ҳаёлот бағрига мунгранган. Эътиборли жойи, кулол ўзи ясаётган янги асари — лагани кулоғига тутиб олган. Вужудан эса гўзал табиат бағридан таралаётган ранглар ифोरини жон кулоғи билан тинглаётгандай.

Уста бу — шубҳасиз, Тўра оқсоқолнинг ўзи. Демак, у чизмоқчи бўлган гўзал шақсни оҳанг тими-соллида табиатнинг ўзидан кўчириб олмоқда. Демак, у табиатни тинглаб, табиатни қуйламоқда. Демак, уста мўйқалами асарни табиатнинг қуйлари рангида безамоқда. Табиатнинг нафис оҳанглари лаган ичига қандай жо этилганидан завқ олмоқ ишқиди бўлган томошабин энди ўша асарни ўз кўзи билан кўриши керак. Бунинг учун эса, албатта, Хивага бор...моқ... шарт эмас, Ҳа, шундай!

Мустамлака замонларида у узок йиллар ўз юртида ўзини ортиқча одамдай ҳис қилиб яшайди. Ишлаш учун шароит, имкон қидириб, бир жайлари рассом мақомида, қўшни республикаларда сарсон-саргардон кезиб юришга мажбур бўлди. Ўрта оилавий шароит орзуга айланиб, бир “тюбик” сифатли бўёқ учун юраклари эзилб кетган пайтларни эсласа... Бироқ Тўра ака қаерларда улоқмасин, руҳан чўкмади. Ноумид шайтон, деб билди. Шароити ҳар қанча оғир бўлмасин, она юрти Ўзбекистонни, ўзи тугғилиб, воёга етган Хоразмни, айниқса, Хивани бутун салобати, тахти-таровати, меҳри-мулоҳати билан, бор овозда қуйлашдан чарчамали.

Мухлисларининг айтишича, Тўра ака устахонасида биргина Ҳазрати Хиванинг мингга яқин талқини сақланаркан. Кўрғазмага қўйилган “Кулранг Хива”, “Зарғалдоқ Хива”, “Оқ Хива”, “Тилла Хива”, “Ғамгин Хива” ва бошқа картиналар ана шуллардан айрим намуналар, холос.

Рассом Хоразмни Хоразм қилиб турган нурли сиймолар образини яратишга ҳам айрича муҳаббат ва фидойилик билан киришди. “Нажмиддин Кубро”, “Жалолиддин Мангуберди”, “Оллоқулихон”, “Хоним Халфа”, “Комилжон Отаниёзов” картиналаридаги изтиробли реализм ҳар қандай томошабин қалбини бепоеён армон денгизига айлантирадики, бу туйғулар силсиласи бугун рассомнинг миллионлаб мухлислари қалбида ҳам акс-садо бериб турибди.

Тўра Курёзовнинг буюк бобокOLONимиз, тенгсиз саркарда Султон Жалолиддин Мангуберди образини яратиш йўлидаги изланишлари... Ўзи бир дoston. Шаҳзода сиймоси рассом хаёлини қўпдан банд этиб олган, Саркарда даври, ҳаёти, олиб борган жангу жадаллари билан боғлиқ манбаларни ййллаб, қунт билан ўрганди. Иш бошлашига эса, нимадир монелик қиларди. Ҳамма нарса бор. Бироқ, куч ёғилиб турган вужуд миллат жасоратини ўзида жо қилган чеҳра, Ватан манфаати ва истиқлоли

йўлида молу жони, бола-чақа, аҳли аёл, ҳатто онаизорни қурбон беришга қодир подшозода йигит сиймосини топа олмас эди.

Бир куни қадрлон укалонларидан бири Азимбек Усмоновнинг онаси вафот этгани ҳақида хабар келиб қолди. Тўра ака кўнгил сўраш учун борганида, остонада юрак бағри хун, алп келбати забун, руҳи равони вайрон ҳолатда «Султон Жалолиддин» — Азимбек турарди. Топди, мана у, Ватан, миллат озодлиги учун олиб боражак жангу жадаллари йўлида мone бўладиган ҳар қандай туйғуни маҳв этиш мақсадида суюкли хотини, фарзанди, ҳатто волидасини жарларга қулатиб, душмандан интиқом олиш учун шайланиб турган Жалолиддин Мангуберди. Топди, бу худди ўша. Рассом йиллар мобайнида излаган чеҳра, гўзал қад қомат, келбат...

Бу ёғини сўрасангиз, Султон Жалолиддин сиймосига андоза кўчириш учун Тўра акадан таклиф олган Азимбекнинг ўша кунлардаги андишалари, ҳис-ҳаяжонлари ҳам яна бир дoston.

Юқоридаги мулоҳазалардан Тўра аканинг мўйқалами фақат мозийгагина равон экан деган хулоса чиқмайди. Тўра оқсоқол тарихий мавзуларда қанчалик равон ва тиниқ қуйласа, замонавий мавзу ва жанрларда ҳам шунчалик маҳорат билан, ёниб ишлайдиган ижодкор.


Тўра ака ҳар бир даврнинг ўзига хос муаммоларини жуда нозик илғайдиган санъаткордир. У қайси даврга мурожаат қилмасин, ўша замоннинг ҳайратли лаҳзаларини излаб топади ва уларни сиз билан бизга ҳайрат рангларига йўғириб тортиқ қилади. “Газлига йўл”, “Саттор Ярашев”, “Компрессорная”, “Алвидо, Орол!”, “Эски созлар устаси”, “Кудуқ”, “Тошқовли” картиналари, халқ ҳўжалигимизнинг турли жабҳаларида қаҳрамонона меҳнат қилаётган замонамиз фидойилари ҳаёти, теран руҳий кечинмалари акс эттирилган юзлаб картиналар Тўра Курёзовнинг ҳақиқатан ҳам асримизнинг энг улкан рассомларидан бири эканлигига шубҳа қолдирмайди.

Биз, уч гўр шоирбача, кўрғазма залидан чиққач, негaдир уйга шошилмасдик. Қалбларимиз гўё хўрсиниқ ва армон ранглари билан тўлиб қолгандай. Кўчалар, боғларни узок кездик. Шубҳасиз, ҳар биримиз нималардир дедик. Ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Назаримда, уч шоири бирорлар учун аҳамиятли бўлган муҳим бир туйғу, бу — кўрғазмадан Ватанин, яшаб турган даврингни қандай қуйлаш, унга қандай меҳр кўрсатиш, ўзингни, иқтидорингни унга қандай фидо қилиш зарурлигини англаш бўлиб, буни биз ўз кўзимиз билан кўриб, ҳис қилиб чиққан эдик.

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ

Республика Олимпия захиралари коллежи

ҳаётидан фотолавҳалар



Ўзбек спорти

Дили-тили Бир олим

Кунларнинг бирида қўлимга қалин, аммо майда ҳарфлар билан терилган адабий танқидчиликка оид мақолалар тўплами тегди. Уни менга мақтай-мақтай беришди: “Адабиётшуносликка оид бундай мақолаларни камдан кам ўқиганмиз”. Очиги, сўнгги йилларда танқидчиликка тегишли мақолаларни ўқишни деярли йиғиштириб қўйгандим. Чунки улар кўп жиҳатдан бир бирига ўхшаб кетар, баъзиларининг дастлабки жумлалариёқ пешонани тириштирарди. Шу боис менга тақдим этилган китобни ўқимай, бир четга суриб қўйдим. Аммо қайсидир китобнинг сарлавҳасини аниқлаш учун (балки бирорта мақолада айтилган бўлса керак, деган ниятда) уни varaқлаб, мундарижасини кўздан кечирсам, мақолаларнинг бири “Франс Кафка” деб номланган экан.

Мен ижодини ниҳоятда қадрлайдиган, йигирманчи асрнинг улкан адибларидан бири, Нобель мукофоти лауреати, колумбиялик ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркес агар Кафка бўлмаганида...

1987 йилнинг ёзида Маркес билан учрашиб, катта мулоқот

ўтказувдим. Ва ўшанда адиб, жумладан, шундай деганди: “Мен олдин нукул шеърят боғида кезардим. Испания ва колумбиялик ўнлаб шоирларнинг юзлаб шеърларини ёд билардим. Шеър ўқишни шунчалар севардимки! Шеърларга ўзим куй басталаб, гитара чалиб, куйлаганим куйлаганди. Албатта, шеърлар ҳам ёзардим. Кўплари чоп этилган. Аммо... Кафканинг бир ҳикоясини ўқидим-у, прозага ўтиб кетдим. “Эврилиш” деб номланган ўша ҳикоянинг қаҳрамони бир куни эрталаб улкан ҳашаротга айланиб қолади. Ҳикояни ўқиб чиққангидан сўнг, аъзои баданимни титроқ қамради. Миямга, демак, ҳаётда шундай ҳодиса бўлиб турар экан-да деган фикр ўрнашиб қолди. Ва эртасигаёқ ҳикоя ёза бошладим...”

Демак, Кафка бўлмаганида, дунё адабиёти Маркессиз қолган бўлармиди... Шу боис китобдаги ўша мақолани ўқишга киришдим. Тўғри, мен илгарилариям Кафканинг ҳаёти-ю ижодига бағишлаб битилган мақолаларни ўқиб чиққандим, аммо улар негадир кўнглимдан жой ололмаганди. Лекин, аттиги ўн олти бетли ушбу

мақоланинг биринчи жумлаларидаги залворли фикрлар мени ўзига оҳанрабодек тортиб олганди: “XX аср адабиёти тараққиётини янги йўналишга солиб юборган, бадиий адабиётда инсон ва унинг умри тасвирига тамомила ўзгача ёндошувни қарор топтирган Франс Кафка дунёдаги энг ғаройиб ва тушунарсиз тақдир эгаси бўлган ижодкордир дейиш мумкин...”

Қолганларини бир нафасда ўқиб чиқдим. Ва шунда гайритабиий адиб кўз олдимда намоен бўлди. Ҳар қандай шахсни қиёфасиз кимсага айлантириб ташлашга йўналтирилган жамиятнинг асл моҳиятини аёвсиз очиб ташлашга уринган бу улуг ижодкорнинг маҳорати-ю қудратидан ташқари сиймоси агрофлича тасвирланганди.

Бу, аввало, китоб муаллифининг билими ҳамда тафаккури ҳосиласи эди, албатта. Ва ўша куни уйқу нималигини билмай, қарийб олти юз бетлик китобни охиригича нуқтасигача ўқидим. Назаримда, димикқан хонадан Адабиёт деб номланган улкан сайхонга чиқиб, тўйиб-тўйиб нафас олгандек ҳамда у ердаги муздек булоқнинг суви-



дан маза қилиб ичиб, чанқоғимни қондиргандек бўлдим. Ложувард осмон узра учаётган қушларнинг парвозидан юрагим завқларга тўлди. Китоб муаллифи — Қозоқбой Йўлдошев менга мен таниб-таний олмаган адабиёту, мен билиб, аммо англай олмаган шоиру ёзувчиларни қайтадан таништирди. Ўзининг сирли сўқмоқлари орқали уларнинг Кўнгил Дунёсига бошлаб бориб, бу антиқа Дунёнинг қувончи, аламу изтироблари билан бақамти этарди. Ва ўша кунни унинг иқтидори туфайли Одил Ёқубов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Шукур Холмирзаев, Эркин Самандар, Тўра Сулаймон, Омон Мухтор, Муҳаммад Али, Азим Суюн, Икром Отамурод, Муҳаммад Юсуф, Фахриёр, Фарида Афрўз каби адибу шоирларни қайта кашф этдим. Мен публицист сифатида билалдиган Абдухалиқ Абдураззоқовнинг ажиб поэтик иқтидори ҳам борлигини билиб, қувондим. Профессор Бегали Қосимовнинг илмий дунёсинигина эмас, балки гоҳо соқин, гоҳо тўлиб-тошиб, қирғоқларга сиймағ оққан Ҳаёт дарёси тўқинларининг товушини тингладим.

Қозоқбойнинг, айниқса, шёърлар ҳақидаги мулоҳазалари, манзур бўлди, аниқроғи, лол қолдирди. Улар шёърлар ҳақида битилган қўшиқларга ўшарди гўё. Одатда, қўшиқлар шёърлардан яралди, лекин умримда ҳеч қачон шёърлар ҳақида яралган “қўшиқ”ларни учратмагандим. Ва уларни шунчалар роҳатланиб “тингладимки” юрагим сел бўлиб кетди.

Унинг ёзганлари биз ўрганган мўминтой, гоҳо соясидан ҳам чўчиб турадиган жумлалардан кескин фарқ қиларди: уларнинг қадди тик, тили ўткир, ўзлигини юрак-юракдан англаган, тошдай қаттиқ, аммо ажабланарлиси шундаки, меҳри дарё бўлиб, ижодкорни осмон қадар кўтаришга уринарди, порлоқ уфқлар сари ундарди, руҳига неқбинлик ато этарди. Лекин баъзида қамчи га ҳам айланар, аммо бу қамчи зарбидан ҳеч бир ижодкорнинг руҳи яраланмасди, аксинча, беллини маҳкам боғлаб, беомон курашларга киришга шайланарди.

Китобнинг номи ҳам узукка кўз қўйилгандек жуда ўрнида эди. Чунки ундаги аксарият сўзлар чақнаб, юракдек ёниб турарди. Улардан гўзалликнинг, эзгулик-

нинг бўйи тараларди.

Бора-бора, Қозоқбой билан янада яқиндан танишиб, дўстлашиб кетдик. Ва шунга англадимки, Сирдарё соҳилларидаги ҳайҳотдай далаларда ўсиб-улғайган, олтмишга кираётган бу йигит асов тулпорга ўшарди.

Балки шу боис ҳам, унинг фикрлари Сайхун осмонида чарх урадиган шунқорларнинг ҳамда Сайхуннинг шиддатли тўлқинларининг ўзгинасидир. Унинг яна бир хислати — допишлиги-ю илмга ташналик. Билимида юзакилик йўқ. Замон ва макон тушунчаларига сиғдириб бўлмас бу профессорнинг илм хазинасидаги сара олтинларга ҳар қандай мунаққиднинг ҳаваси келади. Қозоқбойдаги, айниқса, дўстларга нисбатан садоқат ибрат олса арзигули. Йўлдошев дўстларини мудом суяшга, дилларини равшан этиб, қадамларини мустаҳкамлашга, ўзларига-ю ҳаётга бўлган ишончларини кучайтиришга уринади. Агар баъзилар дўстлари чўка бошлаганидан қувонса, унинг аксинча юраги эзилди-да, бошига оғир кун тушган жўрасининг мушкуллини ҳал қилишга интилади. Ҳатто шоғирдлари — Миллий университет талабаларига ҳам қўлидан келгунча яхшилигу қувонч улашишдан толмайди. Бироқ яхшилигини ҳеч қачон пеш қилмайди. Ундан сохталигу ёлғончилик, олифталик нарида юради. Тагин бир хислати — ҳеч қачон ўзлигига хиёнат қилмайди, актёр бўлолмайди. Оллоҳ қандай яратган бўлса, ўшандай қолган. Шунинг учун ҳам, Қозоқбой Йўлдошевни хурмат қилишди: нафақат билими-ю тажрибаси, ана шу хислатлари учун ҳам. Унинг бир унвони бор — ИНСОН!. Дили-тили бири олим!

Ҳа, яқинда Қозоқбой ўша китоби — “Ёниқ сўз”ни дастхат ёзиб, ҳада этганида, қувончим осмонга етди. Ҳозир у кутубхонадаги энг сеvimли китобларим орасидан жой олган.

Анвар ЖўРАБОВ

ЛЮТНЯ ВА ГИТАРА



Дунёдаги қадимий созлардан бири гитара бўлиб, у ҳозир ёшларнинг энг сеvimли чолғуларидан ҳисобланади. Гитара ўз навбатида бир қанча турларга бўлинади.

Бу созлар орасида олти торли классик гитара алоҳида ўрин тутиб, XVIII асрнинг охирларида келиб ҳозирги кўринишни олди.

Гитаранинг пайдо бўлиш тарихи қадимги Шарқ тамаддунига бориб тақалади. Қадимги юнонлар кифараси, Шарқда кенг тарқалган уд, Ўрта Осиёда ҳозир ҳам кенг тарқалган дутор, рубоб, танбур, тор ва бошқа чолғулар у билан қондош-қариндош созлардир.

VII асрда араблар истилоси натижасида Шарқ билан Жанубий Европани бирлаштирган давлат — Араб халифалиги ташкил топди. Айниқса, Испания Шарқ маданиятининг таъсиридан баҳраманд бўлиб борди. Араб ва испан муסיқасининг кўшилиши натижасида андалуз муסיқа мактаби ташкил топди. Араб уди Испанияда ҳам кенг шухрат қозонди. Унинг таъсирида VIII — IX асрларда Испанияда тўрт торли гитара ва виуэла созлари пайдо бўлди. Европада лютня (уд) кенг ёйилди.

XV — XVI асрларда виуэла зодагонлар доирасида жуда машҳур эди. Андалузия, Гренада ва бошқа испан вилоятларида у сарой машшоқларининг сози ҳисобланарди.

Гитара олдий халқ орасида тарқалган бўлиб, виуэладан ижро техникаси билан фарқланар эди. Виуэла ғоятда уйғун ва жўровоз яккахон мелодик гитара сози бўлиб, унга аккорд техникаси хос эди. Орадан кўп вақт ўтиб, XVII аср охирларида виуэладан 7-торни олиб, гитарага эса, аксинча, 6 кўшалоқ тор қўшилгач, виуэла ва гитара испан гитараси деб ном олган бир хил чолғуга айланди. XVIII асрдагина гитаранинг кўшалоқ торлари бир қаватли торлар билан ал-

маштирилгач, у нафақат уйғунлашган, балки оҳангдор соз ҳам бўлди, яъни ҳозиргача сақланиб келаётган шу кундаги узил-кесил кўринишига келди. XVI ва XVII асрлар мобайнида эса испан композиторларининг чолғу асбоби деярли фақат виуэладан иборат эди.

XVI асрда яшаган жуда кўлаб испан виуэлачиларининг номлари бизга маълум, лекин чизикли рақамли табулатурада ёзилган ва 1535-1576 йиллар ичида Испанияда нашр этилган асарларнинг муаллифлари бўлган етти композиторнинггина ижоди сақланган.

Гитарага қариндош бўлган яна бир торли соз — лютня (уд) Европада ўрта асрларда пайдо бўлди. У Сосонийлар даврида машҳур бўлган “Минг бир кеча”да шарафланган Шарқ удининг бевосита давомчиси дир. Ўрта асрларда лютня Европада кенг тарқалган эди.

Лютня энг оммавий соз бўлиб қолди: унда ўша даврдаги хоҳлаган жанрда ҳар қандай куйни ижро этиш, уни елкага осиб олиб, энг олис ўлкаларга саёҳат қилиш мумкин эди. Лютня чолғуларнинг кичик ансамблида ашулага жўр бўлиш учун ҳам жуда мос келарди.

XVI—XVII асрларда лютня учун барнома яратган бир неча машҳур композиторларни тилга олиб ўтиш жоиздир. Италиялик ғоятда истеъдодли композиторлардан бири Франческо да Милано (1497-1543) эди. Ундан лютня муסיқаси эълон қилинган еттига китоб қолган. Марио Фабрицио Карроза (тахминан 1535-1600) созанда ва балетмейстер эди. У умр бўйи Италия ва Франция саройларида рақслар, пантомималар ижод қилди. Унинг ҳар бир рақси бирор сарой хони-мига бағишланган ва унинг номи билан аталган эди. Жан-Батист Бессар (1567-1621) Европанинг энг машҳур лютнячиларидан бири бўлган. Жан Доуленд (1562-1626) асли ирландиялик бўлиб,

киролича Елизавета саройида лютня чалган ва Шекспир театри учун мусиқа ёзган. 1537 йилдан бошлаб у ўзининг ажойиб кўшиқ ва арияларини нашр эта бошлайди, бу асарлар ҳозир ҳам ўз бадиий аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Европада Уйғониш даврида мусиқа маданиятининг гуллаб-яшнаши гитара санъатининг ҳам ривожланишига хайрли таъсир кўрсатди. Гитарага қизиқиш XVI аср ўртасидан бошлаб кучая бошлади.

1596 йили Барселонада беш торли испан гитараси ҳақида дастлабки рисола нашр этилди. Унинг муаллифи тиббиёт доктори ва йирик математик Хуан Карлос Атат (1572-1642) эди.

Унда чалиш усуллари мусиқани ҳарф ва рақслар билан ёзиб олиш (табулатура) усуллари, шунингдек, ўша даврнинг мусиқий назарий муаммолари қараб чиқилган. Германия, Италия, Франция ва бошқа Европа мамлакатларида гитара лютняни бутунлай сиқиб чиқарди.

Европада беш торли гитаранинг кенг шуҳрат қозонгани ҳақида ўша вақтда нашр этилган жуда кўп миқдордаги мусиқа мажмуалари гувоҳлик беради.

Дунёга донғи кетган скрипка ясовчи усталар Антонио Страдивари (1644-1737), Жавания Баттиста Гладельяри (1711-1786) ва бошқалар беш торли гитаралар тайёрлаш билан ҳам шуғулланган эдилар.

XVIII аср бошларида камонча билан чапиндиган ва клавишли чолгулар такомиллаштирила бошланди. Бу даврдан бошлаб скрипка кўпроқ удумга кира бошлади.

Гитара ҳам ижрода скрипка билан рақобат қила олмади. Ашула жўрлигида ҳам скрипка гитарадан устун эди. Ва ниҳоят, оҳангининг сифати билан Страдивари ва бошқа машҳур скрипкачи усталар ясаган скрипкаларга яқин келадиган гитара ясовчи бирорта уста йўқ эди. Машҳур Крмон усталари ясаган гитаралар на кучли оҳанги, на латофатли куйи билан ажралиб турар эди. Шу сабабли XVIII асрда беш торли гитара клавишли ва торли чолгулар томонидан сиқиб чиқарилди.

XVIII аср охирида Италия ва Германияда деярли бир вақтнинг ўзида олти торли гитара пайдо бўлди. У кейинчалик барча мамлакатларга тарқалиб, “классик гитара” номини олди.

Франциялик машҳур гитарачи ва композитор Наполеон Кост (1806-1883) етти торли гитарани тарғиб қилишга уриниб кўрди, лекин бу уринишлар муваффақиятсиз чиқди. XIX асрда, шунингдек, гитаранинг турли хиллари: арфо-гитара, гитара-лира ва бошқа хиллари яратилди.

Лекин бу янги гитараларнинг бирортаси ҳам кенг ёйилмади, чунки уларнинг бирортаси олти торли гитара билан рақобат қила олмас эди. Оҳангининг дағаллиги бу турли хилларга мансуб гитараларнинг жуда сезиларли нуқсониди.

XIX аср бошларида атоқли итальян гитарачиси Мауро Жюльяни ансамблларда қўлаган тера-гитара ва кварт-гитара бирмунча катта муваффақият қозонган эди. Ёш скрипкачи ва виолончелчилар кичик ўлчамдаги созларда чалишни ўрганишларига ўхшаб, ҳозир бундай гитараларда болаларга таълим беришда муваффақият билан фойдаланиш мумкин.

1873 йили голландиялик ван Хекке 12 торли гитара ясади ва унга “бискезе” (икки мартаба олти) деб ном қўйди.

Парижда аббат Мерланде 1788 йили етти торли гитара ихтиро қилгач, веналик уста Штрауфернинг саккиз торли гитараси пайдо бўлди. Рус гитарачиси Лебедев энсиз созли ўнта торли чолгудан фойдаланган. Ҳозирги даврнинг атоқли гитарачиси Нарциссо Епес (Испания) ҳам ўн торли гитарада ижро этади, лекин унинг гитараси кварта созиға эға. Узоқ вақт Жанубий Америкада яшаган испан созандалари Тебезо ва Хименес Манхен эса 11 торли гитаралар чалишган.

Мункс ва Шарпантье йигирма торли гитара яратганлар. Уларнинг ўзлари “кўп торли” деб номлаган бу гитара торлари учта гриф билан тақсимланган эди.

Ва ниҳоят, Лондондаги Викторин Альберт музейида ўттиз икки торли гитара сақланмоқда. Уни уста Рафаэль Баллах 1789 йили ясаган эди. Лекин бу янги созларнинг бирортаси ҳам олти торли гитарадан устун бўла олмади.

Ҳозирги классик гитара ижрочилари унинг оддийлиги, қулайлигиға тўлақонли баҳо бериш ва унинг меҳнатларини тўлиқ оқловчи қониқиш олиш имкониятиға эға бўладилар.

Чертиб чапиндиган чолгуларнинг ривожланиш тарихи шуни кўрсатдики, араблар истилосигача Ўрта Осиёда гитарасимон созлар кенг тарқалган эқан. улар бизға гитара, рубоб, тор, уд ва бошқа чолгулар кўринишида этиб келган. Улар номларининг уйғунлиги (гитара, сетор, дутор, тор) ҳам бизға классик гитаранинг илдизлари Шарқ халқларининг узоқ, ўтмишиға бориб тақалиши хусусида хулоса чиқариш имконини беради.

Миробид ИНОЯТОВ,

Абдулла Қодирий номидаги
ТДМИ доценти, санъатшунос

Бурхон ШАРАФ

БУХОРО

Муаллиф ҳақида

Бурхон Шараф XX аср бошида яшаб ижод этган татар маърифатпарвар адиби ва жамоат арбобидир.

У Қозон шаҳрида чоп этилган "Вақт" газетасининг муҳбири сифатида Россия, Туркия, Эрон каби давлатларда бўлиб, рўй берган халқ қўзғолонлари, инқилоб-тўнтаришлар ва уларнинг туб сабаблари борасидаги ўзининг ижтимоий-маданий ҳамда сиёсий қарашларини вақтли матбуот орқали доимий равишда ёритиб борган. Ана шундай мақолалардан бири "Эрон мактублари" бўлиб, "Вақт" газетасининг 1909 йил 10 октябр сонидан бошлаб нашр этилган. Мақолада Эронда содир бўлган халқ қўзғолони ҳақида фикр юритилади.

Бурхон Шараф Эрондан қайтиб келгач, кўп ўтмай, "Вақт" газетаси таҳририяти уни Бухоро амирлигида 1910 йил 9 январдан 19 январгача давом этган "қонли воқеалар"ни тадқиқ этиш вазифаси билан Бухорога жўнатади. Шу тариқа "Эрон мактублари"нинг маънавий давоми сифатида Бурхон Шарафнинг "Бухоро мактублари" мақоласи "Вақт" газетаси 1910 йил январ-феврал ойи сонларида 8 қисм ҳолида кетма-кет нашр этилади.

мактублари



Биринчи қисм "Оренбург — Тошкент" (Йўл-йўлак қайд этилган воқеалар), иккинчи қисм "Тошкент — Бухоро йўли", учинчи қисм "Қонли воқеаларнинг туб сабаблари", тўртинчи қисм "Ашуро фитнесини келтириб чиқарган сабаблар" деб номланади. Қолган қисмлари эса Бухоро, Тошкент, Самарқанд шаҳарлари таассуротлари қайдларидан иборатдир.

Муаллиф қонли воқеаларнинг туб сабабини қуйидагича изоҳлайди:

«Сўнгги йиллардаги сиёсий ва иқтисодий аҳвол Бухоро умумий фикрларининг Қўшбеги ҳокимлигига яширин ҳаракат сифатида ўз йўлида давом этганда ашуро фитнеси келиб чиққан».

Воқеликка ҳолисона ёндашиш мақсадида туб аҳоли билан яқиндан алоқа ўрнатган, қолаверса, бозорлардаги тартибсизликлар, яъни сотувчилардан олинмаган солиқ, закот каби тўловларда ҳеч қандай қоғдага амал қилинмаслиги каби бебошлик ва ҳақсизликларга шахсан гувоҳ бўлган Бурхон Шараф: «Ҳисоб-киتابнинг ҳаммаси фақат қора ақл билан юритилади. Дафтар ва муҳосаба каби нарсалар йўқ. Савдогарларга закот тўлатиш баҳонаси билан бир қанчаларининг ҳисобидан ёздириб ва бошқаларидан ашуро олиш баҳонаси билан қанча кишиларнинг бутун молларини талаб кетиш — Бухоро хонлигида одатий ишлардан дир», деган хулосага келади.

Бурхон Шараф Бухородан сўнг Самарқандга йўл

I

Оренбург — Тошкент

(Йўл-йўлак қайд этилган воқеалар)

Бешик олдидаги дуонинг қабул бўлишини тилайдилар. Сафарлардаги ўзгариш. Мусулмон элидаги темир йўл. Тошкент йўлидаги бекатлар. Темир йўл бекати. Икки яхудий. Оз қондан дин билан чипталаримиз. Ҳаво иликлашиб сартлар (ўзбеклар эътиборга олинмоқда. Мақолада бундан кейинги ўринларда ҳам аслият ўзгартрилмади — Ш.С.) кўрина бошлайди.

*Алла-алла айтар бу — Бухорога кетар бу,
Илм таҳсил этар бу — мақсудига етар бу.*

Менинг онам ҳам бешик олдида шундай "қуйла-ганлар". У даврларда Русия мусулмонлари наздида Бухоронинг шухрати ниҳоятда юксак бўлган. Унинг номи-ни зикр этганда доим "шариф" сифатини қўшиб тилга олинган. Марҳум бобомиз биз кичкина шарифларни Бухорода ўқитиш энг катта орузи эканлигини кўпгина даврларда мамнуният билан айтиб юрганини эшитганман. Илгари замонларда уйимизга тез-тез келиб турган эшонлар Ҳазрати Баҳовуддин яшаган жой яқинида таҳсил олинган илмнинг гоётада баракали бўлганда у ерда дуонинг ижобат бўлиши ҳақида жуда кўп сўзлаганлар. Бухорода узоқ вақт таҳсил олиб қайтгач, тепа томони-мизда мулла бўлган икки "бухорий"нинг саводсизлиги бобомизнинг Бухорога бўлган ихлосини сўндирди. Ҳали Қозонда ўқиб юрганимизда биздаги матбуот (Маржонийнинг "Муқаддима"сидан бошлаб) замонамиз ёшларини Бухородан қаққиб олди. Шу сабабли Бухорода таҳсил олиш орузи бизнинг қариндошларда илди от-

олади. Шаҳар тарихий обидалари — Амир Темури, Шохизинда, Бибиҳоним, Шердор, Тиллақори, Улутбек каби мадраса ва мақбараларни зиёрат қилиб, чуқур ўйга толаркан Самарқанд азалда ҳақиқатан ҳам, «сайқали рўйи замин» бўлганини, айниқса, Амир Темури салтанати даврида илм-фан ва маданият гуллаб-яшнаганини ҳавас билан тилга олади. Кейинги замонларда эса шаҳар харобага айланганидан ич-ичдан ачинади. Сўнгги манзил — Тошкентда муаллиф мадрасаларда, Мунаввар қорининг усули жаҳид мактабида, литография — тошбосмахонада ҳамда зёбилар мажлисида бўлиб, «Хўжа ва приказчик» сахна асарининг репетициясини томоша қилади.

Тошкент хотиралари орасида «Вақт» газетаси муҳаррири учун энг муҳим воқелик миссиянер «жаноб Остроумов билан суҳбат»дир.

Хуллас, «Бухоро мактублари» инқирозга юз тутган Ўрта Осиё хонликлари-ю амригаги бошқарувини четдан кузатган муаллиф — Бурхон Шарафининг яқинлашиб келаётган шўролар империяси босқини огоҳномасидек таассурот қолдиради кишида.

Таржима Қозон шаҳрида нашр этилган «Асрлар садоси» журналининг 2003 йил 1-2 сонларида чоп этилган «Бухоро мактублари» асосида амалга оширилади.

Таржимон: Шермурод СУБҲОН

мади. Шундай бўлса-да, устозларимизнинг Бухоро олимларини жуда улуғлаб тилга олишлари, мадрасамиз ва илмимиз тарихини ушбу шаҳарга боғлашлари бу қадим шаҳарга тарихий ва ижтимоий бир аҳамият беришимизга мужиб бўлган эди. Шунинг учун Бухорони кезиб томоша қилишни доимо орзу қилардик.

Бешик олдидаги дуонинг ижобати билан бўлса керак, менга ҳам Бухорога бориш nasib эди. Лекин бу таширф, не афсуски, Бухоро манзараларини томоша қилиш ёки таҳсил олишга эмас, бир-бирларининг қонларини тўкишган мусулмонларнинг сабоқ бўладиган ҳолларини ўқувчиларимизга маълум қилиш учундир.

Илгари замонларда "Бухоро кезган" лақабини олган кимсалар жуда кўп машаққатлар чекканлар. Бу узоқ йўлга чиқиб кетгунча ойлаб кенгашганлар, ҳозирлик кўрганлар, сафар заҳматини торганлар. Олдинги даврда чиндан ҳам «йўл азоби — гўр азоби» бўлган.

Ҳозир эса ҳаммаси янгича. Йўлга чиқиш учун қарвон жиллови туғул, от жиллови ҳам қолмади. Масалан, менинг йўлга чиқишим: январ ойи ўрталарида "Вақт" таҳририятининг кичик йнгилишида Бухоро масаласи жиддий аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапирилди. Шунда Бухородаги аҳволни тадқиқ қилиш учун махсус муҳбир сифатида мени юборишга қарор қилинди. Шундан сўнг, биринчи почта посылга ўтириб йўлга чиқдим. Худо насиб этса, январнинг ўн саккизида Бухорода бўлсам керак. Ота-боболаримиз замонида юз қаққирим йўлга чиқиш тавқан ўртоқлариникида қўлишга, ундан ортганида эса тавқал қилишга ўтири келган. Ҳозир эса биров ёлғиз ўзи дунёнинг бир четидан бошқа четига бориши мумкин. Бори Аллоҳ саломатлик берсин. Маданиятли қадамларнинг мулозимлари ҳам биз учун йўл воситаси ҳозирлатмишлар.

Лекин шундай бўлса-да, мусулмонлар йўл қулайликларидан жуда оз фойдаланадилар. Масалан, Орен-

бордан Тошкентгача узанган темир йўл бутунлай мусулмон элларига тегишли бўлгани ҳолда вагондаги йўловчиларнинг жуда ози мусулмон бўлиб, мен борган поездда уларнинг сони бармоқ билан санарли эди. Бу йўлда, умуман, юрвчи кўп эмас экан. Поездда йўловчилар учун мўлжалланган кичик беш-олти вагондаги барча кишилар етмиш-саксондан ортмайди. Ҳатто баъзи-сида қирқ-элик киши бор. Вагонлар бутунлай бўш. Қайсисидадир бештадан, олтитадан киши бор.

Бекатларда чикувчи-тушувчи ҳам, тикка юрвчи ҳам йўқ. Ҳаётдан сира асар кўринмайди. Оренбургдан Тошкентгача бўлган 78 бекатда чикувчи-тушувчилар сони 78 тадан ортмайди. Шундай бўлгач, мусулмонлар орасида, мусулмонлар мамлакатига темир йўллар қурилмаганига ҳайрон қолмас ҳам бўлади. Мусулмонлар уйда ўтириш учун яратилганлар. Шунинг учун уларга темир йўл керак эмас. Уларнинг ерида темир йўл қурилса ҳам, фойдаланувчилар бошқа миллат кишилари бўлади. Тўғри, темир йўлнинг ўзи ҳам аҳолини ҳаракатга келтиради. Лекин йўлни қуриш учун, аввало, унга эҳтиёж бўлиши керак.

Бу йўлдаги бекат номларига етарлича эътибор берилмаган. Масалан, Оқбулоқ, Оқтепа, Оққимор, Оқмасжид, Оққавм, Қора тўқай, Караганда, Қора чуқат, Қора кетган, Қора узок, Қора қўнғир, Тўзтепа, Оқтепа, Дўрмон тепа... Унгра бошли, Бешли каби бир неча номлар бор. Бу номларнинг бир-бирига ўхшашлиги ном қўювчиларнинг фикр майдонлари кенг эканини кўрсатмаса-да, биз учун жуда муҳимдир. Чунки бу номлар бу ерларнинг туркий авюлларга тегишли эканидан дарак беради.

Поезд Оренбургдан қўзғалганда мен вагон майдончасида туриб, кузатувчиларга, бекатга, шаҳарга кўз ташладим. Урал оша айланма кўприкдан ўтгач, «Урал орти» эста тушиб, кўприкдан яёв ва отда кечаётганлар ҳамда кемага чиқаётганлар кўз олдимдан бир-бир ўйа бошлади. Аслида жуда ҳам хаёлпараст кишилардан ҳисоблан-масам-да, шу дамда кўнглимнинг ҳиссиётига жуда енгилган эдим. Оренбургда фақатгина трамвай бекатининг йўқлигини мен нафақат билдим, балки бутун вужудим билан сездим. Йўқса кўп кезувчи кишиларим бир шаҳардан жўнаб кетиш – шаҳар ичида трамвай бекатидан жўнаш билан тенг деб айтадилар.

Алалхусус, нима бўлганда ҳам, менга энди «Вес-тингауз» крани билан поездни тўхтатиб, орта қочининг иложи йўқ эди. Кўзимни очдим. Тилимга келган ибратли калималарни ўқидим, тақдирни ўйлаб, вагонга кириб анжомларимни жойлаштиришга киришдим.

Бухорога борувчилар йўқмикан, деб вагондаги йўловчиларни кузата бошлашди. Менинг қўшниларим қарама-қарши ўриндаги икки киши: бири сартча кийинган нокик узун гавдали, озгин, юпқа лабли, тақир бошли сарғиш кўзли, сариқ тусли бир йигит. Иккинчиси оврупача кийинган, паст гавдали, кўк кўзли, бўзранг бошли, тўладан келган оқ соқоли бир чол. Ёшроғи гугурт қақди, тамаки чекишди. Чол: «Бу кимнинг гугурти, э болакай-ники экан?»... Ёши: «...75», дейди. «...шундай ёзган!». Чол: «Йўқ, 75 дан ортиқ бўлмасан, деб ёзган ким бўлишидан қатъий назар». «Мана фалон фирманики, 65 бўлади, фалон фирманики 55 бўлади, санаб кўрайлик» деб баҳсланишни тўхтатишди-да, санаҳга киришдиши.

Фақат баҳсланишларидангина эмас, сўзлашишларидан, тилларидан ҳам буларнинг яҳудий эканликлари маълум эди. Бири Бухоро яҳудийси, иккинчиси Польша яҳудийси бўлиб, иккаласи бир-бири билан ўзларининг миллий тилларида сўзлаша олмайдилар. Бир-бири би-

лан русча гаплашадилар. Русча телеграмма ёзириш учун иккиси ҳам кассага борадилар. Тил воситалари заиф бўлса ҳам, бир-бирлари билан топишганлар. Уларни қардошдек ҳис қиладилар. Иккаласи ҳам Бухорога бораётганини билгач, улар билан танишдим. Бири, Ҳазки Исҳоқ ўли Мушибаев Бухоро ва Г...да савдо қилар экан. Варшава, Москвадан мол олиб қайтаётган экан. Иккинчиси, Хорун Исҳоқ ўли полшалик. Лодзь фабрикаларига пахта олиб сотиш учун Бухорога бораётган экан. Сарт қирғизларининг чопон, бешмат ва кўрпаларидан йиғилган пахта Лодзьда қайта ишланиб, бойлар остига насиб бўлар экан.

Ақтубе (Оқтепа) бекатида 2- даражали вагонга бир мусулмон кирди. Мен ҳам ёлғизликдан кутулдим. Мўйнали тўни, қизил ёқали тулки терисидан тикилган пўстини ва жиякли телпаги, намаз этиги билан бу томонлардаги мусулмон савдогарлардан экани билиниб турган бу киши билан тезда танишдик. Қорачадан келган бу савдогарнинг исми Ф. экан. Ф. афанди ярим асрдан бери иш юзасидан бу томонларга тез-тез келиб тураркан. Жамоат хизматига ҳам фаол иштирок этганлиги сабабли бу томонларнинг аҳолини жуда яхши билар экан. Қирғизлар ва сартлар орасида нўғайларнинг ҳуқуқсизликлари ҳамда буларнинг натижалари тўғрисида кўп нарсаларни айтганлари менга фойдали бўлди. Ўрта Осиёдаги татарлар ҳақида алоҳида ёзмоқчи бўлганим учун, буларнинг тафсилотига ҳозир киришмайман. Ф. афандининг қўлида Г. Тўқаевнинг «Адабиёт» мажмуасини кўриб ҳайрон қолдим. Яшил беқасам бўҳчалардаги (бир неча босма) «Далоил-ал-хайрат» китобига кўзим тушиб, тоат-ибодат қилувчи кишининг улардан бўшаб яна алдайи асар ўқиб туришининг сабабини билгим келди. Сўрадим: «Янги китоблар олиб чиқдингизми?» Ф. афанди: «Буни яқинда Орскдан сотиб олдим. Ҳинди Минҳож ҳақида ёзган экан, шуну ўқий эдим. Бунда мадраса олиёна бўлмас деб аниқланган экан. ...Сўнг уларга жуда кўп ақча йиғди-ку? Уларни сўровчи бўлмасмикин? Бизнинг татарнинг ақли тушдан сўнг қиради. Тўғри сўз. Биз Минҳожга Қазалига бориш учун 250 танга ақча йиғиб бердик. Қўлидан тилхат олиш эсимизга ҳам келмаган... Китобигагина ёзди. Энди бундай иш бўлса, бир китоб йўқолиб ҳам кетади. Агар қўлидан мусулмонча бўлса ҳам ёзув олган бўлсайди, текшириш мумкин бўлар эди...» деб айтди. Ф. афанди йўлда фарз намозлари билангина қилувчи қайсар, фитр ҳам кўп ўқирди. Не афсуски, мустақкам дин ибодатида муқоид кексаларимиз кмайиб бормоқда. Динда муқоид бўлишининг фойдаси борлиги мужаррибдир. Умуман, савдогарлар, хусусан, инглизлар ва русларнинг эски диндорлари бошқа халққа оид бўлганликларидан ақчани ҳам кўпроқ йиға оладилар. Оренбургдан Ақтубегача қор жуда кўп ёққан, ундан кейин эса каймаган. Қазалида оз, ундан сўнг ... шимолнинг ... шимолисидан ўтгач (45 даражадан сўнг) ҳеч ҳам қор йўқ. «Арис»да кундузи ҳаво 17 даража илқ эди. Қор декабр охирида бироз ёғиб, эриб кетган.

Қазалида сартлар кўрина бошлайди. Ундан кейин жануби-шарқий йўлда қирғизлар ва сартлар аралаш учрайдилар. Яхши типроқди жойларда мужиклар яшагани маълум. Татарлар шаҳарлардагина. Шаҳарда яҳудийлар улардан ҳам кўп.

(Давоми бор)

УЧ МАРТА ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАНЛАР

Тарихнинг қайгули саҳифаларидан бири муд-ҳиш 1937-1938 йилларда “Катта террор” ёки “Қулоқлар операцияси” деб номланган советлар-нинг қатағон сиёсати даврида халқимиз, айниқ-са, қишлоқ аҳолисининг ҳақ-ҳуқуқлари, инсо-ний қадриятлари оёқ-ости қилиниб, топталиб, қонунга хилоф равишда узоқ муддатларга қамоқ жазосига тортилгани, отиб ташлангани, ГУЛАГ ва меҳнат тузатув лагерларида ҳалок бўлиб кет-ганидир.

Тарихимизнинг ана шу ҳасратли саҳифала-ридан бўлмиш, бироқ яқин кунларгача махфий-лик тамғаси остида сир сақланиб келинган ҳуж-жат ва материаллар асосида айрим қатағон қур-бонлари ҳақида маълумот беришни жоиз бил-дик. Бу инсонлар биринчи бор 30-йиллар боши-да коллективлаштириш даврида қулоққа тортил-ган, 1937-1938 йилларда иккинчи марта қата-ғон қилиниб, “учлик” деб аталмиш мудҳиш гу-руҳнинг қарори билан қамоққа ҳукм этилганлар.

Қамоқ жазосини ўтаб қайтганларидан сўнг эса, кўп ўтмай учинчи бор яна қамоққа олиниб, узоқ юртларга сургун, бадарга қилинганлар. Ана шу такрор-такрор қатағон чанғалига гирифторм этил-ганларнинг айримлари ҳақида маълумотлар кел-тирамыз:

ЎзССР Ички ишлар Халқ Комиссарлиги ҳузу-ридаги учлик 1937 йил 7 декабрдаги йиғилиши-да 7915-сонли иш бўйича 17 маҳбуснинг ишини кўриб чиқади. Улардан ўроз Дамақов, Жумакул Бўронов, Олимберди Маликов, Мавлон Риза-евлар отувга, Эрхон Жўраев, Ўрозбой Болибе-ков, Шотемир Бўронов, Маражаб Жуманов, Мавлон Қултоев, Эшназар Ҳаққулов, Муҳам-мадий Норматов, Нодир Исаев, Лутфулла Аби-лов, Мансур Эгамбердиев, Абдулаҳад Бекбоев, Митан Ҳайдаров, Тургунбой Раҳмонқуловлар 10 йил меҳнат тuzatув лагерларига ҳукм қилинади.


Бу отилганлар ҳамда 10 йилдан концлагерга ҳукм қилинганлар кимлар эди-ю уларнинг ке-

«Ғуштон» шифохонаси

Ўпка гавда ҳароратишнинг мунта-зам бир меъёрда туриши ва қон иви-шини тартибга солиб, организмда, ёғ ва углеводлар алмашишувиде ишти-рок этади. Ўпкаларга фақат жуда ҳам мусоффо, филтрдан ўтган ҳаво тушиши керак. Бронхлар худди шу филтёр вазифасини ўтайди. Ўпка ҳаво орқали кирадиган бактериялар-дан организмни ҳимоя қилади.

Ўпка касалликларидан зотил-жам (пневмония), плеврит, ўпка

эмфиземаси, сил ва ўпка ўсмаси кўпроқ учраши кузатилади. Зотил-жам (пневмония, ўпка яллиғлани-ши) — ўпканинг инфекцион касал-лиги бўлиб, мустақил касалликлар асорати ҳисобланади. Зотилжам-ни турли бактериялар (пнев-мококклар, стрептококклар, ста-филакокклар) ва вируслар кўзати-ши исботланган. Касалликнинг юза-га келиши ва ривожланишига одам-нинг қаттиқ совуқ қотиши, жис-



ЗОТИЛЖАМ ХАСТАЛИГИДАН САҚЛАНИШ!

йинги тақдири не кечган, деган савол туғилиши табиий, албатта.

Аввало, отилганлар ҳақида қисқача маълумот келтирамыз:


— **Дамақов Ҷроз** — 1884 йилда туғилган. Фориш райони Чақар чуқур қишлоғида истиқомат қилган. Қулоқ-исёнчилар гуруҳининг раҳбари бўлиб, доимий равишда аксилнқилобий тарғибот олиб борган, аксилнқилобий йигинларда қатнашган” деган айб қўйилган.

— **Бўронов Жумакул** — 1897 йилда туғилган. Фориш райони Чақар чуқур қишлоғида истиқомат қилган. 1932 йил Қозоғистонга сургун қилинган, бунга ҳам юқоридаги айб қўйилган.

— **Олимберди Маликов** — 1905 йилда туғилган. Фориш райони Колсари қишлоғида истиқомат қилган.

— **Ризаев Мавлон** — 1873 йилда туғилган. Фориш райони Қулба қишлоғида истиқомат қилган. Чоризм даврида волост бошқарувчиси бўлган. 1921 йили кўрбоши Ҳамроқулбекка ёрдамчи бўлган, 1932 йили аксилнқилобий фаолияти учун 3 йилга қамалган. Ҳибсга олинганда якка хўжалик аъзоси бўлган. “Босмачилар билан алоқада бўлиб қурол сотиб олиш учун маблаг йиғинини ташкил этишга ҳаракат қилган”ликда айбланган.

10 йил меҳнат тугатув лагерларига ҳукм этилганларнинг баъзилари ҳақида маълумот келтирамыз:



— **Бекбоев Абдулаҳат** — 1916 йилда туғилган. Фориш райони, Қудуқ қишлоғида истиқомат қилган. Ота-онаси, укалари билан Қозоғистонга сургун қилинган. У ерда отаси Жонузоқов Бекбой вафот этгач, онаси ўз қишлоғига қайтиб келган. Ҳибсга олинганда колхозчи бўлган. Унга “аксилнқилобий қулоқ-

исёнчилар гуруҳининг йигинларига қатнашган” деган айб қўйилиб, 1937 йил 7 декабрда 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Жиззах шаҳри турмасидан Тошкент турмасига келтирилиб, у ердан Архангелск шаҳрига этап қилинган. 1938 йилда темир йўл қурилишида ишлаган. 1939 йилнинг май ойидан 1940 йил бошларигача эса, Узок Шарқнинг Асанкули деган жойида темир йўл қурилишида ишлаган.

Бекбоев Абдулаҳат 1940 йилнинг бошида бошқалар қатори Кондалак шаҳридаги лагерга этап қилинади. 1941 йил июлидан Печорадаги лагерда темир йўл қурилишида ишлайди. Касал бўлгач, 6 ой Саратов шаҳрида даволанади. Шундан сўнг Сталинград шаҳридаги лагерга келтириллади. Бу ерда 1947 йил ноябрда қамоқ жазо муддати тугагач, озод бўлиб уйига қайтади.

— **Қултоев Мавлон** — 1869 йилда туғилган, Фориш райони, Яйтангали қишлоғида истиқомат

моний ва руҳий ўта толиқиши, организмнинг ички заҳарланиши — иштотксикация ҳамда иммунитет қобилиятини сусайтирувчи бошқа омиллар сабаб бўлиши таъкидланади. Натижада юқори нафас йўлларидаги микроблар активлашиб, касаллик пайдо қилади. Касалликнинг кечиси характериға қараб, ўткир ва хроник, жойига қараб чегараланган соҳалардаги ёки крупоз пневмония (ўпканинг бутун бир бўлаги зарарланади) ва ўчоқли ёки бронхопневмония фарқ қилинади. Зотилжамнинг ўткир формаси тўсатдан бошланиб, бир неча кундан бир неча ҳафтагача давом этади. Бемор кўпчилик ҳолларда бутунлай соғайиб кетади. Касаллик бошланганда иситма кўтарилади (38°-40°), эт қаттиқ увишади, аввал қуруқ, кейин балғамли йўтал пайдо бўлади. Биқин оғриқ-

ди, нафас олганда, йўталганда (кўпроқ крупоз пневмонияда) оғриқ зўраяди. Бемор тез-тез юза нафас олади, ҳаво етишмайди. Хроник зотилжам ўткир зотилжам оқибатида ёки хроник бронхитнинг асорати тариқасида, шунингдек, нафас йўллارининг юқори қисмида, буруннинг ёндош бўшлиқларида (гайморт) кечганда пайдо бўлиши аниқланган. Организмнинг қувватсизланиши, аллергия ўзгаришлар, алкоғолизм ҳавонинг салбий таъсири каби омиллар ҳам касалликнинг келиб чиқишида муҳим роль ўйнайди.

Касаллик дам кучайиб, дам сусайиб туриши кузатилади. Касалликнинг зўрайган пайтидаги белгилари зотилжамнинг ўткир формасидаги белгиларга жуда ўхшай кетади (йўталганда балғам ташлайди, ҳансирайди, кўкрак қафа-

сида оғриқ пайдо бўлиб, иситма кўтарилади). Бемор бутунлай соғайиб кетмаслиги мумкин. Олимларнинг фикрича касалликнинг зўрайиши организмнинг ҳолатига ва ташқи муҳитга боғлиқ бўлиб, касалликнинг зўрайиб давом этиши, тез-тез такрорланиб туриши ўпка тўқимаси склерози (пневмосклероз) ва бронхларнинг кенгайиши бронхоэктазларга сабаб бўлади. Бу асоратлар ўз навбатида касалликнинг кечилиши оғирлаштириб юборади ва ҳ.к. Зотилжам билан оғриган беморларни фақат шифокор даволайди. Пневмония билан кўпичча суноый оёқталантириладиган сизгеник тартиби бузилганда, айнқиқса, очиқ тоза ҳавода кам бўлганда, грипп, юқори нафас йўллари қатори билан тез-тез касалланиб турадиган болалар ка-



қилган. Ҳибсга олинганда колхоз аъзоси бўлган. Унга ҳам юқоридаги айб қўйилиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилади. Жиззах турмасидан Тошкент турмасига келтирилади. Бу ердан Архангелскака этап қилинади. Ерцова шахридаги лагерда бўлиб, темир йўл қурилиши ва ёғочтахта тайёрлашда 3 ойдан кўпроқ ишлайди.

1938 йил ёзидан Ерцова лагеридан Вандиш лагерига этап қилинади. Бу лагерда беш йил давомида қоғоз фабрикасини қуришда меҳнат қилади. Фабрика қуриб битказилгач, шу фабрикада ишлайди.

1943 йили қандайдир ғаллачилик совхозига юборишади. Ярим йил бу ерда ишлагач, бир йил давомида гидроэлектростанция қурилишида иштирок этади. 1945 йилдан бошлаб Свердловск областида фанер заводида ишлайди. 1947 йил 18 ноябрда қамоқдан озод бўлиб, уйига — Яйтағали қишлоғига қайтади. 1950 йил 18 январга қадар Сталин номли колхозда меҳнат қилади.

— Ҳайдаров Митан — 1901 йилда туғилган, Фориш райони, Қорабанали қишлоғида истиқомат қилган. Қотилликда гумон қилиниб, қамоққа олинган, 1929 йил-



дан 1933 йилгача ВКП(б)га аъзо бўлган. Ижтимоий келиб чиқишини яширгани учун партиядан ўчирилган. Ҳибсга олинганда колхозчи бўлган. “Аксилинқилобий қулоқ-исёнчилар гуруҳининг аъзоси бўлиб, ўз уйда аксилинқилобий йигинларда иштирок этган” деган айб қўйилган. 1937 йил 7 декабрда 10 йил қамоққа ҳукм қилинган. Митан Ҳайдаров ҳам Жиззах турмасидан Тошкент турмасига келтирилган, бу ердан Архангелскака, Каргопол лагерининг Ерцова бўлимига этап қилинган. Бу лагерда 1946 йил ноябрга қадар ўрмонларда ёғоч тайёрлов, темир йўл қурилиши ва турли қишлоқ хўжалик ишларида меҳнат қилган. Қамоқда яхши ишлаганлиги учун муддатидан аввал бўшатилган. Ўз юртига қайтиб, Қорабанали қишлоғидаги “Правда” колхозида ишлаган.

Аммо бу «уч қатағон» қурбонларининг тинч ҳаёти узоққа чўзилмайди. Уларни 1950 йил 18 январда қайта Ҳибсга олишади. Давлат Хавфсизлиги вазирлиги Самарқанд вилоят Бошқармаси терговчиларидан лейтенант Мустакаев, лейтенант Долинский, катта лейтенант Колесниковлар ҳар уч маҳбус устидан тергов ўтказадилар.

1950 йил 30 мартда уларга нисбатан айблов хулосаси тайёрланиб, унга Долинский, Тимофеев, Генкинлар имзо қўйдилар. Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги вазири генерал-майор Басканов ушбу айблов хулосасини тасдиқлайди.

Айблов хулосасида шундай ёзилган:

«Тўқистон» шифохонаси

саланнади. Гудакларда, айниқса, қуватсизланган, чала туғилган, рахит, анемия, гипотрофия билан оғриган болаларда зотилжам жуда оғир кечиши, агар болаларга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмаса, кўпинча ўлимга сабаб бўлиши мумкин. Касалликнинг дастлабки белгиларидан бири — бола умумий аҳолининг ёмонлашувидир. Бола ҳадеб безовта бўла бошлайди, вақт-вақти билан бўшашилади. Кам ва нотинч ухлайдиган бўлиб қолади, иштаҳаси йўқолади. Баъзан кунга лайиши, қусиши, ич бузилиши каби ҳолатлар кузатилади. Тери оқаради, оғиз-бурун атрофи кўқаради. Зотилжам деярли ҳамма вақт тумов ва йўтал билан келади. Бола тез-тез қаттиқ йўталиб туради. Болани пневмония билан касал бўлиб қолишдан сақлашда ўпка яллиғла-

нишининг инфекция қасаллик эканини унутмаслик керак. Унинг кўзгатувчиси хаво томчи йўли орқали беморлардан ёки соғайётган болалардан соғлом болаларга ўтиши таъкидланади.

Фойдали маслаҳатлар:

1. Зотилжамнинг олдини олиш учун ҳар бир киши ўз организмни чиққитириб бориши, бадантарбия, спорт билан шугулланиши, зарарли одатларни тарк этиши, инфекция манбаларини йўқотиши, бронхитларни даволаши, соғлом турмуш тарзига амал қилиши лозим.

2. Зотилжамни ўз-ўзича даволаб бўлмайди. Бемор шифокорга мурожаат қилиши, унинг маслаҳати билан даволалиши зарур.

3. Беморни даволаш қанча эрта бошланса, нафи шунча яхши бўлиб,

даволаш жараёни патогеник, комплекс ва индивидуаллаштирилган бўлиши лозим.

4. Беморга чой, мева шарбати, шўрва, илтишган тухум, ширгуруч, сут, қатиқ, кефир, кисель, компот ва ҳ.к. тез-тез берилиб турилиши керак.

5. Нимжон, қайта-қайта касалланадиган болалар диспансер кузатувида бўлиши, бир ёшдан ошган болалар ёшига қараб овқатлантирилиши, бироқ овқат витаминларга бой, суяқ ёки тире ҳолида бўлиши, кўп суяқлик ичishi керак.

6. Бемор болага ширин гапирши, уни кўтариб юриши, соғайётган болага ўйинчоқлар ўйнатиши, кулиб, эркалаш соғайишни тезлаштиришини унутманг.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
ДОЦЕНТ

“Қултоев М., Бекбоев А., Ҳайдаров М. Давлат хавфсизлиги вазирлиги Самарқанд вилояти бўйича Бошқармаси томонида советларга қарши қулоқ-исёнчилар гуруҳининг иштирокчилари сифатида 1950 йил 18 январда қамоққа олиндилар.

Қултоев, Бекбоев ва Ҳайдаров ижтимоий ёт муҳитдан чиққан бўлиб, совет ҳокимиятига аввалдан душманлик кайфиятида бўлгани, Ўзбекистонда буржуа давлати яратиш мақсадида гуруҳга бошқа шахсларни жалб этгани, кураб сотиб олиш учун колхоз мулкини ўғирлаш билан шугуллангани, шунингдек, доимий равишда советларга қарши тарғибот олиб боргани... учун 299-сонли тергов ишини СССР Давлат хавфсизлиги Вазирлиги ҳузуридаги Махсус Кенгашга Қултоев, Ҳайдаров ва Бекбоевни махсус посёлкага бадарға қилишни қўллаш тавсия этилади”.

СССР Давлат хавфсизлик вазирлиги ҳузуридаги Махсус Кенгаш 1950 йил 8 июлда ўзининг 30-сонли баённомаси билан Бекбоев Абдулаҳатни “антисовет қулоқлар гуруҳига мансублиги” учун Красноярск ўлкасига, Қултоев Мавлон ва Ҳайдаров Митанни Новосибирскка сургунга қарор қилади. Уларни этап қилиш 1950 йил 8 июлдан кучга кириши кўрсатилади.

Самарқанд вилоят суди Ҳайфати 1957 йил 14 июнда (Ҳайбат таркибида — раис Баҳромов, аъзолар — Додуев, Бегматов, вилоят прокурори

Каримбердиев иштирокида) ўзининг № 4-9-175-сонли қарори билан СССР Давлат хавфсизлиги вазирлиги ҳузуридаги Махсус Кенгашнинг 1950 йил 8 июлдаги Қултоев Мавлон, Бекбоев Абдулаҳат, Ҳайдаров Митанларга нисбатан чиқарган қарорини бекор қилади ва бу уч маҳбус реабилитация қилинади.

— **Бекбоев Абдулаҳат** сургун қилинганда оиласи таркибида 39 ёшли аҳли-аёли Шойма, 15 ёшли қизи Ойгул, 13 ёшли ўғли, 2 ёшли қизи Мардиҳоллар қолган.

— **Ҳайдаров Митан** сургун қилинганда оиласида 37 ёшли хотини Чиннихон, 21 ёшли ўғли Мадаш, 17 ёшли қизи Байна, 13 ёшли ўғли Мадил, 10 ёшли қизи Робия, 2 ёшли ўғли Амирилло, 3 ойлик ўғли Неъматилло қолган.

— **Қултоев Мавлон**нинг оиласида 34 ёшли аҳли-аёли Майрам, ўғли Эгам қолган.

Бу уч қатагон қурбонларининг кейинги тақдири не кечгани бизга қоронғу. Уларнинг зурриёдлари, яқинлари, қариндошлари улар ҳақида бирор бир маълумотга эга бўлсалар, матбуотга, ёки бизга ёзиб юборишларини сўраймиз.

**Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
Бахтиёр РАСУЛОВ,**

“Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция
хайрия жамғармаси аъзолари.
Андижон Давлат Университети Ўзбекистон тарихи
кафедраси ходимлари

Хусанбой АБВАЛОВ олган фотосурат



Турсунбой ўғли Қурбонхожи ота неvara-чеваралари даврасида.



ДАРАХТ - ПОЭТИК ОБРАЗ

Бугунги ўзбек шеърлятида хилма-хил усулларда ижод қилётган шоирларнинг кўпчилиги кишини қувонтиради. Айниқса, ноананавий усулда қалам тебратётган шоирлар лирик характер яратишда рамзий-мажозий образлардан самарали фойдаланмоқдалар. Ана шундай бетактор овозга эга шоирлардан бири Турсун Алидир. Бир қанча шеърини тўпламлари билан кенг китобхонлар оmmasига танилган ушбу шоирнинг "Ой япроғи" ("Шарқ" нашриёти, 2008 йил) китобида янги ижод намуналари жамланган.

Шеърларда рамзий образларни теран ифодалаш, тимсолларга чуқур фалсафий-эстетик маъно юклашга интилиш Турсун Али ижодининг етакчи хусусиятларидан бирidir.

Китоб "Юрак манзаралари", "Рухият суратлари", "Рагин фасллар", "Қора сукунат", "Синиқ товуш", "Соёга яширинган одам" каби туркумлардан иборат. Туркумлар сарлавҳасидан аён бўлиб турибдики, шоир кўнглининг ноён тилсимларини ифодалашга ҳаракат қилади. Зотан, аллақачон кўпчиликка маълум бўлган мавзулар ўқувчини ҳайратлантира олмайди. Турсун Али ҳар битта шеъри воситасида руҳият манзараларини чизади. Бошқача айтганда, руҳият манзаралари табиат тасвири орқали талқин қилинади. Тўпламда дарахт, қуш, тун, бинарша, бойчечак, ёмғир сингари бир қанча рамзлар ўз ифодасини топган. Шоир инсон, табиат ва жамият муносабатларини руҳий эврилишлар тарзида ифодалайди:

*Қари дарахт тунлари потиш...
Тиклади атрофга оғир.
Унинг кўксини тилмалар ўқичи
Шамолларга очади бағир.*

*Қари дарахт тунлари потиш,
Олисларга боқади узок.
Унга кўздан юлдузлар эмас,
Чангалини чўзади чақмоқ.*

"Эски дарахтлар" шеърдан жой олган ушбу сатрларда шоир дарахтнинг поэтик образ даражасига кўтаради. Қари дарахт - қария тимсолини акс эттирмоқда. Инсон умри - оқар сув. Одам ўз умри давомида неларни кўрмайди?! Ҳа мақсади-нятиларига эришганлар, эришмаганлар қанча. Кексаликда ўтган умрдан кўнгли тўлмаслик, армон ва ўқинчлар гирлобиди яшаш оғир ва аламлидир. Шоир "Эски дарахтларнинг кўзлари мунгли, термулади атрофга ўйчан" деганида ўқувчи кўз ўнгига кекса кишининг қиёфаси, мунгли ва изтиробли кўзлари гавдаланади. Лекин шоир инсон умрининг фақатгина кексалик, ожиз-нотавон даврини эътироф этиш билан чекланмайди. У дарахт - инсон тимсоли орқали ҳаётини қуршан кишилар образини ҳам тасвирлашга ўтади:

*Теграмда чарх урсин майли қуноқлар,
Танамга чирмашсин аждр бўноқлар,*

*Дўла-ўқлар отсин бошимга осмон,
Бармоғимга игна санчсин қаҳратон,
Майли, чақмоқ урсин,
Мен барибир яшил япроқ ёзаман,
Повдалар отаман бақувват.
Гуллайман,
Мевалар тугаман,
Барибир яшайман.
Зотан,
Она тупроқ бағрида соғлом,
Кучли, чайир идизларим бор.*

Дарахтнинг бўрон, қуюн, чақмоқларга қарамасдан, барибир яшил япроқлар эзиб бақувват идизларга суяниши орқали ижодкор кекса одамнинг ҳаётдан умиди сўнмаганини эътироф этади. Чунончи, эшини яшаб бўлган мўйсафид ўз умридан афсусланмайди. Чунки йиллар уни қуч-қудратини олиб, белини букса-да, лексин умалт зурриёди-авлод давомчиси наслини давом эттиради. Унинг амалга ошмаган орзу-умидлари келажак авлод томонидан рўёбга оширилади. Қариянинг вужуди кучдан қолса ҳам, лексин унинг қалбидаги ҳаётга бўлган муҳаббат сўнмаган.

Шоир дарахт тимсолига такор-такор муружаат қилар экан, у ҳар бир шеърида дарахт тимсолига янгича маъно юклайди.

*Осмон йиғиб олди қора йўллари.
Қаёққадир учиб кетди қуш,
дарахт силкиб қолди қўлларин.*

Бу шеър дарахт ва қуш образи инсоният, ҳайвонот, наботат оламидинг ўзаро уйғунлиги ҳақидаги фикрнинг бадиий тасвири десак бўлади.

*Кекса дарахт пойида
Сарғайган япроқлар ётар хор бўлиб,
О, инграётган дарахт эмас, қалбимдур.*

*Барғлар аро елган сав-сарик шамол
қалбим дарахтлар
иланғочлаб кетди шил-шийдон.*

Бу мисраларда ижодкор лирик қаҳрамони ўта нозик таъб, дунёни ўзгача нигоҳ билан кўра оладиган, нафақат инсон дарахтларини тушуна оладиган, балки дарахтлар қайғусини ҳам чека оладиган, бу дунёга бўлган меҳри табиатга бўлган меҳр билан пайваста эканини эътироф этади. Балки шунинг учундир шоир шеърларида аксарият фикр ва ифодалар табиат ҳодисалари билан боғлаб тасвирланади. Шоир ижодидаги дарахт образига тўхталар эканмиз, баъзи шоирлар шеърларидаги дарахтлар ҳақидаги фикрларга уйқашликни учратиб қоламиз. Масалан, "ёнаётган дарахт бўлса вужудим", сатрлари шоир Омон Мағжонда, "Дарахт, йўқ мен сенга эмас, суянгайман соёмага" сатридаги дарахтга суянч сифатида қараш шоир Б.Рўзимухаммад шеърда ҳам учрайди. Шоир Турсун Али бу фикрларни ривожлантириб, уларга янги маъно юклашга интилади.

Ижодкор асарларидаги етакчи гоё табиатни севиш ва табиатнинг бир бўлаги сифатида инсонни табиатни англашга қаққиршидир. Бу фикримизни унинг қуйидаги сатрлари тасдиқлайди:

*Қуйлар денгизлар,
Сойлар,
Қуйлар бутун табиат,
Қуйлар бутун қошот...
Афсусе, афсусе,
Уларни баъзан англай олмасмиз,
Баъзан тинглай билмасмиз...*

Насиба ЖУМАНИЕЗОВА

ЯХШИ КАСБ ЭГАСИ БЎЛСАМ

Касбга йўналтириш ва касб танлаш ишлари ҳар бир мактабда доимий олиб бориладиган зарур тадбирлардан биридир. Айни шу кунларда мактабларда битирувчилар учун турли фан кечалари, «Очиқ эшиklar» кунлари ташкил қилиниб, уларнинг қизиққан касбларини танлашлари учун тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Яқинда Сирғали туманидаги 284-мактабнинг 198 нафар йигит-қизлардан иборат 9-синф ўқувчилари билан «Мувофиқлаштирувчи кеча» ўтказилди. Унга Сирғали sanoat касб-хунар коллежи, Сирғали Енгил sanoat ва сервис коллежи ҳамда Яккасарой Енгил sanoat касб-хунар коллежлари вакиллари таклиф қилинди. Улар ўз ўқув даргоҳларидаги касб йўналишлари ҳақида атрофлича тушунча бердилар ҳамда ўқувчиларнинг қатор саволларига жавоб қайтардилар. Мактабда коллеж вакиллари ўқув юртлири ҳаёти ва ўқув-тарбия ишларини акс эттирган кўргазма материаллари, буклетлар, суратларни ҳам намойиш қилдилар. Сўхбат ва савол-жавобларда битирувчиларга таълимнинг навбатдаги босқичида касб танлаш ва ўқувчиларнинг жамият олдидagi бурчларини ҳис қилишлари нақалар муҳимлиги тўғрисида ҳам қимматли фикрлар айтилди.

Тадбирда 284-мактабнинг физика ўқитувчиси Шоира Сайдалимова, жисмоний тарбия ўқитувчиси Жаҳонгир Топиловлар замонавий касб ва хунарларнинг иқтисодий ис-

дан келган вакилларни ўраб олиб, ўзларини қизиқтирган саволлар беришни яна давом эттирдилар.

Бу тадбир мактабнинг «Ёшлар орасида касбга йўнал-



лоҳотларни амалга оширишдаги аҳамияти ҳақида ўз фикрлари билан ўртоқлашдилар. Кечада ўқувчилар ўзларини қизиқтирган касблар ҳақида атрофлича ахборотга эга бўлиш учун нималар қилиш лозимлиги ҳақида сўрадилар ва қониқарли жавоб олдилар. Кечада 284-мактабни битириб коллежларда ўқиётган талабалар ҳам сўзга чиқишиб, ўзлари эгаллаётган касб ва хунарларнинг афзаллик томонларини айтдилар. Касб танлашда бир қарорга кела олмаётган ўқувчилар билан алоҳида сўхбатлар ўтказилди.

Ўқувчилар тадбир якунланганидан кейин ҳам коллежлар-

тириш ишларини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси”ни амалга оширишда янги бир қадам бўлди.

Ўтказилаётган бундай ташвиқот-тарғибот тадбирларида устоз ва мураббийлар томонидан ўқувчилар лаёқатлари, уларнинг қайси касбга қизиқишлари ўрганилиб, келажакда ҳаётда ўз ўринларини топа билишлари учун ўз ҳиссаларини кўшмоқдалар.

Наргиза АБДУРАШИДОВА,

Тошкент шаҳри Сирғали туман, 284-мактаб рус тили ўқитувчиси, касбга йўналтириш ташкилотчиси

ЖУФТЛИК БАХТИ

Оила соғломлиги, мустақкам-лиги жуда зарур. Соғлом оиладан соғлом авлод қарор топади. Биров “Бахтлимисан?” деб сўраб қолса, дарҳол оиламиз кўз олдимизга келади. Оила қиз ва йигитнинг аҳли-никоҳига, бу жуфтлик эса оиладаги илк ва тўғри тарбияга, ўртадаги чин муҳаббатга асосланади. Демак, оиланинг барқарорлиги кўп жиҳатдан оқила, одобли аёлларга ҳам боғлиқ.

Ривоятларга кўра, Одам алай-ҳиссалом яратилгач, жаннатни қанчалик сайр қилмасинлар, кўнгиллари тўлмаган экан. Шундан сўнг, Аллоҳ таоло “Кўрkning 99 улушига эга бўлган” онамиз Момо Ҳавони яратганда, у кишини кўриб хурсанд бўлган эканлар. Гарчи улар, кейинчалик, шайтоннинг ҳийласига учраб, жаннатдан қувилган бўдсалар-да, ер юзидаги

турли қийинчиликларни енгиб, бир-бирларига садоқат кўрсатиб яшаганлар. Чунончи, улар ана шундай серғалва, бироқ, муқаллас ҳисобланган оилани бизларга ме-рос қолдирганлар.

Ёшликда эзгу орзу ва умидлар чексиз бўлади: илм олиб, олий даражадаги мутахассислиги ҳунарга эга бўлиш, ишлаш, оила қуриш ҳақозо. Кўп шукурки, истиқлол шарофати уфуриб турган, диёри-мизда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ёш оила-ларга амалий ёрдам бериш, уларга сифатли таълим, тиббий, ҳуқуқий, ахборот, маслаҳат ва бошқа, жумладан, болалар соғлиги-ни сақлаш ва тарбиялаш бўйича хизматлар кўрсатиш, кредитлар ажратиш йўли билан уй-жой со-тиб олиш ёки қуриш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга

эътибор қаратилган.

Астойдил қилинган меҳнат, тадбиркорлик, тинимсиз саъй-ҳаракатлар, изланишлар, сабр ва қаноат туфайли орзулар бир-бир амалга оша бошлайди. Бу умр ре-жаларининг барчаси мустақкам қурилган оилага боғлиқдир.

Кўча-кўй ва маҳаллада, бекат-ларда қўл ушлашиб, болаларини етаклаган ёш жуфтларни кўриб, оилавий бахтдан чехралари нураф-шон эканлигига гувоҳ бўлаемиз. Бундай бахтга эришишда шубҳа-сиз, яхши тарбиянинг аҳамияти бекиёсдир. Лекин афсуски, айрим оилалар арзимас муаммоларини рўкач қилиб, ажралишмоқда. Оқибатда, уларнинг фарзандлари саргардон бўлиб, ота-она тарбия-сидан бебаҳра қолмоқда. Атрофи-мизда рўй берган айрим воқеалар-дан мисол келтирайлик: қўшни уй-



Қиш бошланиб, ов қилишга расман рухсат этилгач, моҳир овчи Мурод амаки Тутли қишлоғи яқинидаги баланд тоғлар оралиғида жойлашган кўйчивонлар ҳузур-рига тез-тез келиб турадиган бўлди. Бу ерда юз чоғли ушоқ моллар парвариш-ланар, кўра яқинида икки хонали чоққи-на уйча ҳам бор эди. Хоналарнинг бири чўпон-чўликларнинг дам олишига мўлжалланган, иккинчисига қишловни саз ўтказиш учун арна ва майдаланган

омухта ем ғамлаб қўйилган.

Опоқ қор билан қопланган кенг ва бе-поён қир-адирларда ов қилиш Мурод ама-ки учун мароқли эди. У доимо ов тадориғи-ни кўраётиб хуржунга ўк-дори, қурол-яроғ, узоқни ёритувчи чироқ ва зарур уст-бош-ларни ҳозирлаб қўйишни унутмайди. Мо-ҳир овчи жайралар инини кузатаркан, унинг чўқурлиги ва теварак-атрофдаги изларига қараб, улар сонини олдиндан айтиб бера олади.

ида бирдан қий-чув бошланиб қолди. Кўчага чиқсам, оналари ўтган йилги узатилган қизини ҳовлимизга киритиб юборишимни илтимос қилди. Шундай қилдик. Ортдан ҳалослаб етиб келган куёв дағ-дага қилар, алжирарди. Кейин билсак, куёв гиёҳванд экан, уни аввал билмагани, суриштирмагани учун қўшни афсусланарди. Аммо энди кеч бўлганди. Ёшлар ажрашишди. Яна бир мисол: Назира олий мактабда бирга ўқиган Нёмат исми йигит билан турмуш қуришга аҳд қилишган. Йигитдан қиз хонадонига совчи келганида қизнинг ота-онаси, ёшлар бир-бирларини севишса бўлди-да, деб тўйга розилик беришган. Тўйдан сўнг Назира отасининг уйига, юзлари қорайган, эт-бети лат еган ҳолда кела бошлади. Унинг айтишига қараганда, куёвнинг тўқаноғи бўлиб, у хуруж қилганида ўзини ҳам, ёнидагисини ҳам аяб ўтирмас экан. Бу саргардонликда илк ҳомила ҳам нобуд бўлган.

Кўпинча эр-хотин, қайнона ва келин ўртасидаги қаттиқ муносабатлар ҳам, қиз чиқаришда ортқича харажатлар талаб қилиш ҳолатлари ҳам оиланинг ажралишига сабаб бўлади.



Замонавий оила қандай бўлиши керак, оилани тўқис ва фаровон, бахтиёр қилувчи тилсим борми? Бу ҳақда кўлаб рухшунос-ушифокорларимиз, ёзувчи ва олимларимиз фикр билдирганлар. Хусусан, матбуотда Турсуноӣ Содиқова, Қутлибека Раҳимбоева, Сайёра Бекмирзаева ва бошқа кўлаб ижодкорлар ўз ҳаётӣ тажрибалари ва ўғитлари билан рисола ва мақоаларида йўл-йўриқлар, мас-

лаҳатлар бермоқдалар. Сайёра опадан оиланинг бахти учун момоларимизнинг қандай тадбирлар қилишганини сўраганимизда куйидагиларни айтдилар:

— Энамнинг олдида турмушга чиққан қизлари йиллаб келганларида, “Энди умр бўйи сени хафа қилмай раъйиниға қарайдиган эркакни топа олишиниға ишонсанг, қайтиб кела қол. Ишончим қомилки, бундай кишини топа олмайсан”.

Мурод амаки зараркундаларнинг тунда ташқариға чиқишини ҳисобға олиб уловини олтимиш-етмиш қадам наридаги шувоқзорға тушовлади. Эшак жониворнинг хушхўр емиш билан бўлиб унчалик узоққа кетмаслиги овчиға маълум. Кейин у шамолнинг тоғ чўққисидан пастға – жануб томонға эсишини аниқлагач, кун ботишдаги бутазорлар оралиғиға жойлашиб олиб, қўлда ўқлоглик бешотар билан кушандаларни пойлашға тушди.

Ҳадемай қуёш ботиб, теварак-атрофға қоронғулик чўка бошлади. Шу орада шарпа кўзға ташланди. Мурод амаки унинг юришидан жайра эканлигини пайқади. Афтидан теварак-атрофдаги хавф-хатарни билиш мақсадида у вақт чиққанди. Ордан беш-олти дақиқа вақт ўтгач, жайралар тўдаси бирин-кетин ниналарини шиқирлатганича бутазорлар оралаб кела бошлади. Қутилмаганда кушандалар овчиға рўпара

бўлишиб, бир зум нима қилишларини билмай, қўрққанидан жойларида қотиб қолишди. Биринчи бўлиб, йўлбошловчиси ўзига келди. У бир сакраб жуфтакни ростламоқчи бўлганида овчи мўлжалға олди. Тоғларни ларзаға солувчи гумбирлаган ўқ овозидан атрофдаги йилқилар уюри дупури ва кишнаши эшитилди.

Мурод амаки узоқни ёритувчи чироқ билан қанчалар ахтармасин, кушандаларнинг биридан ном-нишон бўлмади. Қолган ўлжалар хуржунга жойланиб, улвоға тенглаб ортилгач, бадани совуқдан жунжиккан овчи қўйчивонлар хузурига йўл олди. Қўраға яқинлашар-яқинлашмас итларнинг хуриши эшитилди. Мурод амаки тез-тез келиб жайра гўшти ва суюқ қолдиқлари билан сийлаб турганлиги учун чўпон итлари унға ўрганиб қолишганди. Лекин барибир улар орасидаги сиртлоннинг йўлдан ўтган отликни ҳам йиқитиб, чўпонлар келмагунча қўйиб юбор-

Оиладан кетмокчи бўлган келинларига дарвозани очиб, “Марҳамат”, деб катта йўлни кўрсатиб қўярдилар. Бундай муносабат билан оиладаги муаммолар вақти келиб бартараф этилади, сен эса сабр қилишинг, оилани тарк этмаслигинг лозим, демоқчи бўлганлар.

Қишлоққа энамини кўрган борганимда менга насиҳат қилардилар: “Қайнонандан нима овқат қилайин?”, деб сўрамагин, “Энажон, нима овқат ейсиз?”, деб сўрагин. Қайинона, қайинотанга хизмат қилиб, дуосини ол, эртага сенга ҳам ўғлинг, келинингдан қайтати, дердилар. Ҳа, бобо-момоларимиз узтилган қизга қаттиқ муносабатда бўлиб, борган жойингда тошдек қотгин, деб кузатганлар. Куёвсиз қизини қутиб олманлар. Бу эса оиланинг мустаҳкамлигини таъминлаган.

Ҳўш, ўзининг метин иродаси, кучи, ақли-тафаккури, одоби билан ҳамманинг ҳавасини уйғотадиган, мард-пахлавон йигитларни, бўлғувчи оила бошлиқларини ким тарбиялайди? Жамиятимиз учун жуда муҳим ва катта аҳамиятга эга бўлган бу масъулиятли иш билан ким шугулланади?

Шубҳасизки, ибоби, ҳаёли, пок, оқила қизлар тарбияси учун оналар масъулдир. Ота-оналар аввало, фарзандларига ўз ҳаётлари билан ибрат бўлишлари лозим. Халқимиз тили билан айтганда, “Ота очган йўл, она бичган тўн” бор. Биз ўғлимиз-қизимиз тарбияси билан қандай шугулланаямиз.

Ибратли, фаровон, пок оила бўлиши учун ёшлик синовидан ўтган муҳаббат ришталари, иқтисодий таянч, қариндошлар қўллаб-қувватлашлари камлик қилади. Дастлаб, аёл эрини оиланинг бошлиғи, ҳомийси, моддий-маънавий таянчи сифатида ҳурмат қилиши, унинг маслаҳатларига амал қилиши лозим. Эр эса, аёлни аввало она, хонадон маликаси, болаларнинг биринчи тарбиячиси бўлгани учун эъозлаши шарт. Оила бошлиғи ота оиланинг барча аъзолари олдида она ҳурматини жойига қўйиши лозим.

Оила қуриш ва уни мустаҳкамлаш шартлари бугина эмас. Улар — вафодорлик, ҳалоллик, тadbirkorлик, ўзаро гамхўрлик, ширинсўзлик, бир-бирларининг фельтваторига яраша муносабат қилиш, жуфти ҳалолнинг яқинлари,

қариндошларини ҳурмат қилиш ва ҳақозо.

“Жуфти-ҳалол” деган ибора эрхотиннинг никоҳ тўйи кунидагина эмас, балки умр бўйи уларни покликка, ҳалолликка, вафодорликка ундовчи муқаддас тушунчадир. Никоҳ қондаларига амал қилиб, умргузаронликда бирга яшаш — никоҳ аҳдларини бирга бажаришга, ҳалол ризқ топиб фарзандларни тўғри тарбиялашга, ҳуллас, бахт-саодатга етказди.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва тавсифи беқийёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлар биринчи галда оила бағрида шаклланди.

Шунинг учун ҳам таркиб топган бахтиёр жуфтлик мустаҳкам миллий оилавий анъаналаримиз аждоларимизнинг кўп минг йиллик тажрибасидан то бугунги кунларимизгача етиб келган асл ва бебаҳо қадриятларимиз ҳисобланади.

Абдурауф РАҲИМҚУЛОВ

маслигини кўп эшитган.

Тонг ёришгач, чойдан сўнг ўчоққа ўтин қалаб олов ёқилди. Қозондаги жайра гўштининг ёқимли хиди атрофни тўтиб, иштаҳани кўзитарди. Шу пайт тайёр ошга баковул бўлиб кўрага яқинлашган пўстинли бегона кишининг салом ҳам, алик ҳам йўқ дабдурустан гўшт сўрагани Мурод амакининг энсасини қотирди.

— Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир, — деди овчи киноя билан.

— Сиз балосиз, худди билгандай топиб гапирдингиз — деди чўпонларнинг ёши улуғи овчининг гапини қувватларкан.

Пўстинли йигит қулогигача қизариб кетди. Мазали таомдан сўнг бирдан икки киши яхши, деганларидек қор учкунлаб туришига қарамай, ҳалиги пўстинли йигит овчининг рухсатини олгач, қўлига белкурак олиб икковлон тоққа кўтарила бошлади.

Мурод амаки тунда ов қилган яланглик ва қир-адирларни қанча елиб-юғуриб

кўздан кечирмасин, барибир охирги ўлжасини топа олмади. Ниҳоят, улар жайра инини бузишга киришдилар. Шунда жароҳатланган қушанданинг инига бекиниб олиб, жон сақлагани маълум бўлди. Охирги ўлжа ҳам хуржунга жойланди.

Шу кун улар ҳориб-чарчаб, аччиқ совуқ юзқулоқларини чимчиласанда, тоғу-тош ва чакалакзор оралаб алламаҳалгача овда бўлишди. Энг қизиғи, ўқ-дори тугаганда, бўри, тўнғиз каби йирткичларга дуч келишди. Хайрият, улар индамайгина кўздан ғойиб бўлишди. Юк ортилган уловнинг нотекис йўлларда имиллаб юриши пўстинли йигитнинг ғашини кўзитарди. Эшакни урган билан от бўлмас. У ов қийинчиликларини шундагина англай бошлади. Қадди-қомати келишган, табиатан камгап ва босиқ Мурод амакининг тоғ йўлларида тез ва илдам боришини кўриб, у ҳаётда азоб кўрмай, роҳат йўқ эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди.

Абдулла САИДОВ

Ёш ижодкор кўнгли ҳамиша рағбатга муҳтож. Устоз адиблар битикларини кўриб беришса, мас-лаҳатгўй бўлишса, ижод йўллари ойдинлашади. Зотан, устоз кўрмаган шоғирд ҳар мақомга йўрғалар, деган гап ҳам бор.

Бундан ўн йилча муқаддам таниқли шоир Исмоил Маҳмуд хайрли ишга қўл урган эди. Марғилон ва унинг атрофидаги шаҳар ва туманларда яшайдиган ҳаваскор қаламкашларга мураббий бўлди.

У жамоатчилик асосида ишлайдиган Жаҳон отин Увайсий номида адабий тўғарак ташкил қилди. Тўғарак шаҳар Болалар ижодиёти маркази қошида ўз фаолиятини бошлаган.

Увайсий издошларидан кўнчилиги кейинчалик мамлакат миқёсида танилди. Жумладан, Дилфуза Содиқова, Наргиза Охунова, Нилуфар Абдуганиева Зулфия номидаги Республика Давлат мукофоти-га муносиб кўрилди. Аксари ёш ижодкорларнинг тўпламлари нашр этилди. Буларнинг барчаси тинимсиз изланишлар самарасидир, албатта.

Кўйида адабий тўғарак авзоларининг ижод намуналарини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

ОСМОНЛАРДА ГУЛЛАДИ БУЛУТ

Осмонларда гулледи булут,
Бўй чўзмоқда кўкка тераклар.
Лаҳза сайин юксалиб борар
Юрагимда эзгу тилаклар.

Бол арилар ишқи уйғонар
Бодомларнинг гул ширасида.
Баҳорларнинг ҳислари яшаб
Япроқларнинг хотирасида.

Сукунатга санчилар тиглар
Шамолларнинг суронларидан.
Кўк гиёҳлар лабларин намлар
Муҳаббатнинг уммонларидан.

Саболарга сочаман бир-бир
Сағир кўнглим фиғонларини.
Юрагимда олиб бораман
Қишлоғимнинг осмонларини.

Зулфия СОЛИЕВА

Титраб кетди киприкларингиз,
Дилингизда ўзга галаён.
Юрагингиз ҳароратидан
Яраланди сарғайган армон.

Вужудимни майда-майдалаб
Кетаяпти қалбингиз намгин.
О, жиловсиз ишқ гирдобида
Чўкиб борар умидлар ғамгин.

Ҳижронлардан тўкилган йўллар
Бугун сизни кутмоқда беҳол.
Соғинганча гардларни беун,
Изингизни сийпалар шамол.

Мунира ҚЎҚОНОВА

РАЙҲОН ИСИ

Эрка нигоҳларинг қидириб бу дам,
Ўзгариб бормоқда соғинчнинг туси.
Мен сени шу қадар соғиндим, эркам,
Райҳондан келмоқда чакангнинг иси.

Ногаҳон сенинг шўх, ширин овозинг,
Чалиниб кетади кулоқларимга.
Бегим, эсламайсан, наҳот, Эъзозинг,
Нафасинг сезилар дудоқларимда.

Титраб шивирлайди лабларинг яна,
“Оҳ, Фарғона қизи — фарзона қизи”.
Сезяпман, сезяпман, сезяпман ана,
Райҳондан келмоқда чакангнинг иси.

Райҳонга айланмиш, соғинчнинг туси...

ТОНГЛАР КЕЛАР

Тонг келар, у тонглар нурафшон, оппоқ
Ортда қолар зулмат, разолат, риё.
Нилуфар гулларга ўралиб кўпроқ
Ифорий ҳисларга тўлади дунё.

Тонглар келар ҳали ажиб, мунаввар
Нурлардан чамбарак ясаб бошига.
Соғинчли бўйлари бир мушқу анбар
Эзгулик нурланиб келар қошига.

Тонглар келар ҳали атир уфуриб,
Қорларни эритиб азим тоғлардан.
Жилга — ирмоқларда сувлар югуриб,
Хабар олиб келар ёрқин чоғлардан,

Тонглар келар ҳали нурафшон, оппоқ...

Эъзога ЮНУСОВА

* * *

Сен кетдинг, кўчалар хувиллаб қолди,
Кўзларимда соғинч увиллаб қолди.
Кўксимда бўронлар гувиллаб қолди,
Мен сени соғиниб яшайвераман.

Сен мен каби ҳамон дилинг эзмайсан,
Сен мен каби қаро тунда кезмайсан.
Сен мендаги маҳзун дилни сезмайсан,
Мен сени соғиниб яшайвераман.

Қалбимнинг Лайлоси, бўлдинг бегона,
Сени ўйламоқ ҳам — бўлмақ девона.
Дардим айтсам бўлар ажиб афсона,
Мен сени соғиниб яшайвераман.

Ҳеч ким қулоқ солмас менинг додимга,
Шеърларим қучаман тушсанг ёдимга.
Шири хотиралар жўр фарёдимга,
Мен сени соғиниб яшайвераман.

Ёдга тушсанг, келар бағрим тиглагим,
Энди бу дунёга қийин сиғмагим.
Келар изингга бош қўйиб йнглагим,
Мен сени соғиниб яшайвераман.

Бахтни излар бўлсанг биров бағридан,
Тўйиб кетсам ҳамки қисмат қаҳридан.
Хушрўй санамларнинг ўтиб баҳридан,
Мен сени соғиниб яшайвераман.

Мажнунга айлансам, бўлардинг Лайли,
Мендан йироқлашдинг тақдир туфайли.
Агар сени мендек суйсалар майли,
Мен сени соғиниб яшайвераман.



ВАТАН

Қанийди, бир лаҳза қошингда туриб,
Сенга атаб кўнгил розин ёзолсам.
Ватаним, бағрингга бошимни қўйиб,
Энг аввал, севинчдан бир йиғлаб олсам.

Не ажаб, қуруқ чўп эксам кўксингга,
Сенинг меҳринг сабаб, кўкка бўй чўзар.
Бағрингда бойликлар бисёр-у, лекин,
Тупроғинг мен учун ўзи олтин, зар!

Ватаним, улғайдим сенда бахтиёр,
Тинглаб дostonларинг, эртақларингни.
Ҳар тонгда шабнамдай, гар мумкин бўлса,
Кучоқлаб ўпардим этакларингни.

Ватаним, танҳосан танҳолар ичра,
Боғларинг жаннатга этурман қиёс.
Қабул эт, бу менинг меҳримдан парча,
Қалбим уммонидан бир томчи, холос.

Йўқ, ҳали тугамас менинг шеърларим,
Токи тарк этмаса бу жоним танни.
Оламни дарзага солурман куйлаб,
Мустақил ватаним Ўзбекистонни!

Алишер ИСОҚОВ

ЎКИНЧ

Остонамда ҳоргин ётган ёлғизлик,
Менинг юрагимдан сачраган нидо.
Кўнглимда кўзғолон кўзғар маъюслик,
Сабримни симириб боради видо.

Тонглар кипригимдан шабнам тилайди,
Тунлар ором бермай мени азоблар.
Қалбимнинг қасрини ҳижрон талайди,
Бошимга ёмғирдай ёғар ғазаблар.

Юрагим инграйди, забоним қарахт,
Кўзга муҳрланган дилдаги тугён.
Сувратим мисоли қуриган дарахт,
Дардим нигоҳимдан бўлади аён.

Бағримни қон қилар ҳижроннинг тиғи,
Кераксив минбарда айтилган сўзман.
Бошимни қўйганим фурқат ёстиғи,
Муҳаббат, оҳ сенсиз мен-да ёлғизман.

Остонамда пойлаб ётар ёлғизлик...

Саидхон ХАФИЗОВ



МАРИЯ

КАМАСНИНГ

ҚОТИЛИМ КИМ?

Жаҳон опера санъати намояндаси, машҳур юнон кўшиқчиси Мария Каллас энг яқин дугонаси уни секин-аста ўлдириши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган эди...

Барчаси ҳайрон қоларли даражада силлиққина кечди. Шифокор ҳам — юрак хуружи ўз ишини қилди, у бунга дош беролмади, деган мазмундаги ташхисни лозим топди. Танани ҳам шитоб билан куйдиришга муваффақ бўлишди. Шунга кўра бу ўлимнинг боиси: сабабу оқибатлари ҳеч кимга, ҳеч қачон аён бўлмаслиги мумкин эди.

... Мархуманинг қариндошлари йўқ, бинобарин даъвогарлар ҳам топилмаслиги равшан...

Бироқ унинг минглаб мухлислари севимли санъаткорларидан жудо бўлгач, чинакамига қайгуришди. Ва лекин улар қалбадаги армону андуҳларини бора-бора сидириб ташлаб, ўз ҳаяжонларини бошқа юлдузларга қаратиши ҳам айни ҳақиқат эди.

РЕЖИССЁР — ТЕРГОВЧИ

53 ёшли Буюк опера кўшиқчиси Мария Калласни Париждаги ҳашаматли уйда мурда ҳолида топишди. Бу мудҳиш воқеа 1977 йилнинг 17 сентябрида содир бўлган эди.

... Чорак аср ўтгач, итальян режиссёри Франко Дзефирелли машҳур кўшиқчи ҳақида фильм яратишга киришади. Санъаткорнинг таржимаи ҳолини синчиклаб ўрганар экан, йилдан-йилга унинг ўтмиш ҳаёти билан “яшай” бошлайди. Навбат ўлим воқеасига келганда шундай фактларга дуч келдики, улар расмий ахборотларни инкор этадиган, чиппакка чиқарадиган ҳақиқатлар эди...

Маълумки, Мария Каллас турли хасталикларни бошидан кечирган бўлса-да, лекин оғир юрак хасталиги буларнинг орасида бўлмаган. У ҳолда нима учун шифокор шундай ташхис қўйган-у, нега яна унинг танасини ёриб очиб кўришга ҳаракат қилган?... Қолаверса, Мария Каллас ҳаммавақт ўз танасини куйдиришга қарши бўлган, “мени печга тиқиб куйдиришингизни истамайман” дея ўзининг охириги манзили — қабри учун мўлжалланган жойга маблағ сарфлаб қўйган эди...

Лекин ўлимидан сўнг зудлик билан мархуманинг хоҳиш-иродасига зид иш содир этилди. Дарвоқе, баъзи яқин кишиларагина маълум бўлган унинг васиятномаси қасрда қолди экан?

Юқоридаги фактларни таҳлил қилар экан, Дзефирелли шундай хулосага келди: Мария ўз ажали билан ҳаётни тарк этмаган, уни ҳалок қилишган. Қотилнинг номи ҳам маълум.

Режиссёрнинг фикрига қўшилишдан аввал, машҳур қўшиқчи босиб ўтган ҳаёт йўлига назар ташлашди.

Бу эса нима сабабдан XX асрнинг буюк санъаткори ўз ҳаётининг охириги дамлари сокинликда ўтказишга ҳаракат қилгани ва умрининг сўнги палласида даҳшатли ўлимнинг исканжасида ҳимоясиз, но-чор қолганлигини англаш учун зарурдир...

МАРИЯНИНГ ОНАСИ

Мариянинг ота-онаси қизлари дунёга келмасидан аввал ёлғиз ўғил фарзандларидан жудо бўлган, шу боисдан ҳомилалор она мотам либосида юриб, худодан туғилажак фарзанди ўғил бўлишини сўраб ёлворарди. Ўғил фарзанд туғилса, ғуссалари енгиллашувига умид боғлаган эди...

Бироқ дунёга келган фарзанд қиз бўлди. Бундан қизнинг онаси шунчалик ранжидики, ўз гўдагига бир неча кун ҳатто қарагини ҳам келмади. Кўп ўтмай оила Грециядан Америкага кўчиб ўтди. Мариянинг отаси Манхэттенда ҳашаматли дорихона очди.

Она ўз қизига бемехр бўлганидан унинг кўздан йи-рокроқда бўлишини истарди. Кўп ўтмай Мариянинг ҳайратланарли даражада ашула айтишга қобилияти сезилганда эса, қизини мусиқа мактабларида узоқ қолиб, шуғулланишга мажбур этадиган бўлди, сабаби аён: Мария қўзига ташланмай тургани унга маъқулроқ эди...

Улуғ депрессия (тургунлик) даврида оила бар-бод бўлди: ота-она ажраб кетишди. Онаси Мария ва унинг онаси билан Ватанга қайтишди. Бироқ она ҳали ҳам Марияга ички бир совуқлик билан қарашини тарк этмаган эди. Мария ҳам ўз навбатида буни сезар, таниқли ашулачи бўлиб етишадиган палларда отаси ёнига боришини орзу қиларди. Унинг бу орзуси фақат урушдан кейин амалга ошди. Онаси билан бир умрга видолашганидан сўнг, у Нью Йоркка отланди. Бироқ бу ерда ҳам уни янги кўнгилсизлик кутиб турарди: отаси уйланган, хотин ўтай қизини ёмон кўрганлигини яшириб ўтирмай, ҳар лаҳзада аён этарди.

Шундай қилиб Каллас тирик етимга айланди.

УНИНГ ЭРИ КИМ ЭДИ?

Саноат корхоналари билан машҳур бўлган итальян Жаванни Батиста Менеджини опера санъатининг чинакам мухлиси эди. Саҳнада Мария Калласнинг овозини илк бор эшитибок, у шундай хулосага келди: “Мана менинг орзуйимдаги аёл”.

Менеджини ва опера санъаткорининг ёшларидаги фарқ деярли ўттиз ёш бўлса-да, уларнинг танишуви ва ишқибозликлари учун бу ҳол тўсиқ бўла олмади. Фақат итальян миллионерининг янги муҳаббат ҳангомаси унинг оиласи томонидан қаттиқ қаршиликка учради.

Улар Каллас учун миллионернинг капитали муҳимроқ деган хулосага келишган эди. Шундай бир пайтда Жаванни Батиста Менеджини ўзининг 27 фабрикасини оиласи фойдасига хатлатиб: “Хаммасини олинг, менга фақат Мария керак”, деб хитоб қилди.

1949 йили жуфтлик никоҳдан ўтди. Бу воқеа католик соборига (диний маҳкамасида) ўтказилди. Мариянинг юнон ортодоксал черковига мансублиги никоҳга монельлик қилмаган эди. Бироқ кейинроқ унинг тақдирини ушбу ҳодиса бус-бутун можаролари вазиятни юзага чикарди.

Менеджини — Мария учун ота ўрнида ҳам, эр сифатида ҳам, борингки, мухлис ва жазман ҳамда театр, томошагоҳ хўжайини антрепренер ўрнида ҳам ўз оламига айланди.

Иккаласи ҳам фарзандли бўлишни орзу қилишар, бироқ бу ўринда ё фарзанд, ё Калласнинг ижод йўлидаги равақ масаласи кўндаланг бўлиб қоларди. Ўйлай-ўйлай иккинчи ҳолни, яъни Мариянинг ноёб овозини сақлаб қолишни афзал кўришарди. Улар охир-оқибат фарзанд кўриш учун бир қарорга келганларида ёшлари анчага бориб қолган, Марианики 30 дан, эрининг ёши эса олтимишдан ошган эди. Бу ҳол Мариани шундай хулосага олиб келди: “энди фарзанд кўриш фурсати ўтди...” Ушбу қарордан сўнг Менеджини ҳам уни фарзандли бўлишга кўндиришга урингани йўқ.

Кўп ўтмай шундай ҳодиса юз бердики, бу уни эридан айрилишигагина эмас, ҳаётини остин-устун қилиш даражасига ҳам олиб келди.

МУХЛИСИ ВА ЖАЗМАНИ...

1957 йилнинг сентябрида Венецияда ўтказилган бал кечаларидан бирида у ўзининг юртдоши, юнон миллионери Аристотель Анасис билан танишиб қолди. Бир мунча вақтдан сўнг Марияга денгиз ҳавоси зарурлигини тавсия этишди. Шунда Анасис эр-хотинини ўзининг ҳашаматли “Кристина” (яхта)сига таклиф этди. Улар ҳам бу таклифни бажонидил қабул қилишди. Кемада нуфузли жамоа тўпланган, улар орасида Уинстон Черчилль, Гэрри Купер, Кент герцогиня каби оқсуяклар ҳам бўлишган эди. Мана шундай даврада бўлишига қарамастан “Кристина”нинг хўжайини ва Мариянинг ўрталарида ишқий муносабатлар авжа чикиб борар, улар бир-биридан бир сония бўлса-да айрилишни исташмас, тўхтамай рақсга тушишар, танаффус пайтида эса Анасиснинг каятасида турди ишқибозликлар билан машғул бўлишарди.

Юнон миллионерининг обрў-эътибори, маънавий қиёфасига келсак, тўғриси айтганда, бу борада у намуна — ибрат эмасди. Уни фақат ишқий можароларнинг қаҳрамони, аёлларни пешма-пеш алмаштириб турадиган тутуриқсиз, айна пайтда, ўта эҳтиросли жазман сифатида тан олишарди. Лекин унинг бундай нуқсонлари хусусида ўйлаб муроҳаза қилиш Мариянинг хаёлига ҳам келгани йўқ.

Эридан ўз ўгириб, Анасис яқин бўлиш учун Парижга келди. Ижодий сафарларга чиқиш, сердаромал шартномалар асосида концертлар бериш борасидаги юмушлар ҳам бора-бора унинг эътиборидан четда қолди. Қолаверса, томоғидаги хасталик ҳам кучайиб борарди...

Насиба ОЧИЛОВА

(Давоми келгуси сонда).

								Шифогиёҳи						
	Ўзбек шоири	Бирма шаҳри		Хаё		Илк ҳосил	Муқаддас шаҳар							
							Фалла							
	Беруний асари	"..."-си-рим		Яхши				Буюқ мода						
				Фурсат	"Иш" анжоми									
	Буюк			Издан юради					Тарихий шаҳар					
	Куча	Француз адибаси		Куш	Рақс куйи	От пойафзали		Куш ка-таги	Миллат	Қадимги Волга		Юртни се-вувчи		
				Халқ кўшиғи				Миллий нон						
Азим Суюн шеъри					Аёл исми	Табиий фан	Се-роблик							
				Си-бирь дарёси	Кам-ёб					Вужуд				
Оёқ зарби	Куй жой	Дўп-пи тури						Оролдаги юрт					Ҳинд эпоси	
					Ша-хар-Европ								Са-мо жисми	Куй
Билим дон	Сув йули					Оч-қич	Фаҳм							
	Ме-бель	Нота			Ип ма-то					Шарм				Фав кулоҳ ҳол
					Рус сай-ёҳи					Кул-гу	Тоғ-ли туман			
					Осиё чўли		Меҳр Савдо							Тес-кари
										Раҳбар Нота	Бе-жирим	Ҳинд адиби	Тор-ли соз	
					Япон-ча ли-бос							Ўқув хона		Но-та
					Улуғ мас-кан					Ҳар-бий унвон				



Улар кишлоқни эвакуация қилиб бўлишди, энди пастга тушаверишинг мумкин.



Изоҳга ҳолат йўқ.

										→	Фаолият юритиш
	Кўрик		Иш тартиби		Яқин Шарқ давлати		Шимол дарахти	Ҳарир тола			
										↓	Тола
											→
	...Афан-ди		Италия дарёси	←				Фойда		↑	Дарё
											→
			Бўй	→		Пардоз ашёси		Газ-мол		←	“Авто” “Юрак”
	Жонивор		Вагонларни тортади	→							Муваққат уй
Номдош	←	Ижро			Тўшамма	→					Азотли модда
											↓
					Юнон олими	→					Исми
											↓
							Кўнгил очар ўйин	→			↓
	Қозоқ адаби		Севги		Товон						
											Чолгу асбоби
					Миллат (Яқин Шарқ)	←					
											↓
											Фармон
	Боғловчи				Нота	←					
	Шимол-ярим ороли										
Хорижий	Бол ...		Қон томири							→	Мирзаев (рассом)
											↓
											Кўча
											Шеър
											рият
Бадиий буюм	Генератор тури				Араб ёзувидаги белги						Дарё
											→
											↓
											Муолажа
											↓
											Футбол жамоаси (Италия)
	Ҳиммат		Мебел		Тўқиш ашёси	→	Тўйдаги маросим				
	...тин		Нота								Аланга
											→
											↓
											Ёғ тури
											←
											Хўл мева
											←
											Санъат
											←
											Ишқорий металл
					Вақт ўлчови	→					↓
											Муҳаммад ...



Азизим тўй масаласида шошилмай турсак. Бир-икки йил сабр қил.

БИР ЙИЛ ҚАМОҚ

Бойнинг ўғли жиноят қилиб қўлга тушди, қораловчи унга йн йил беришни талаб қилди. Жиноятчининг отаси машҳур адвокат олдига бориб: “Ун йил жуда кўп. Сиз бир илож қилиб жазо муддатини камайтиришига ёрдам беринг”, — деб илтимос қилди.

— Жуда қийин, аммо жазо муддатини камайтиришга уринамиз, — деди адвокат.

— Мен сизнинг донолигингизга, нотўқизингизга аминман, бир иложини топиб, қамоқ муддатини бир йилга туширишга ҳаракат қилинг, шунинг эъласингиз, йн минг туман бераман, — деди жиноятчининг отаси. Адвокат пулни олиб ишга киришди.

— Муҳтарам ого, ўғлингизнинг қамоқ муддатини бир йилга келтираман деб бутун қонун китобларини варақладим, ваъдага мувофиқ, ўғлингизни бир йил қамашга судни рози қилдим.

— Суднинг фикри қандай эди?

— Суд ўғлингизни айбсиз топиб бўшашиб юбормоқчи эди. Мен сизга берган ваъдага мувофиқ, бутун ҳунаримни ишлатиб, зўрга ўғлингизни бир йил қамашга судни рози қила олдим, — деди.

БОЛА Ё ЗИЛЗИЛА

Саиднинг уч боласи бор эди. Улар яшайдиган шаҳарда тез-тез zilzila бўлиб турарди. Ота-она маслаҳатлашиб болаларни бобосиникига юбордилар. Болалар шўхлик қилавериб, боболарини жуда безорижон қилиб юборишди. Бобо ўғлига қуйидаги мазмунда телеграмма юборишга мажбур бўлди:

“Худо хайрларингизни берсин, болаларингизни ўзларингиз тарбия қилинлару, иложи бўлса, zilzilани менга юбора қолинглар!”

ТИЛЛАДАН ҲАМ АФЗАЛРОҚ

Қадим замонда бир савдогар олис бир юртга пиёз олиб борди. Пиёзнинг таъми у ернинг халқига маълум эмас экан. Пиёз жуда ҳам маъқул тушди, улар савдогарга бир талай тилла ҳади қилишди.

Савдогар юртига қайтиб келганидан кейин, қилган фойдасини ҳаммага мақтаб, ўзининг фаросатли, хушёр эканини кўрсатмоқчи бўлди. Олис юрт халқининг савватини ҳадеб мақтайверганидан сўнг, бошқа бир савдогарнинг ҳам ўша юртга мол олиб боргиси келди, узоқ ўйлаб у мамлакатга саримсоқ олиб боришни муносиб кўрди. Пиёздан кўра саримсоқ камёб ва тансиқроқ, лаззати ҳам ундан ортиқ, албатта, бу уларга жуда маъқул тушади деб ўйлади.

У юртининг қадрунос халқига саримсоқ жуда ёқиб қолди. Улар бунинг эвазига муносиб ҳади бериш учун ўзаро маслаҳатлашиб шундай қарорга келдилар. “Бунинг эвазига тилла бериб бўлмайди. Тилладан ҳам афзалроқ ва қимматбахороқ бир нарса беришимиз лозим”. Шунинг учун савдогарга энг қимматбахороқ нарса ҳисобланган пиёздан беш қопини совға қилдилар.



Абстрактчи rassom:
— Расмни тескари томоша қилаяпсиз...





Агар гилдираклари юмалоқ бўлганда, машина ҳатто юриши ҳам мумкин эди.



— Агар қарши бўлмасангиз, гольф ўйнамоқчи эдим.

Саҳифани Нигина ҚОДИРОВА тайёрлади



Ўзбекистон халқ
рассоми
Тўра Қурёзов
ижодидан
намуналар



Turk
46058

**Indeks: yakka obunachilar uchun — 820, tashkilotlar uchun — 806.
Bahosi: kelishilgan narxda. Obuna davom etmoqda.**